

кет 36, 44

НОРМА МАСЛАХАТЧИ

СОЛИҚЛАР БУХГАЛТЕРИЯ ҲУҚУҚ

2005 йил июлдан чиқа бошлаган

«СБХ» газетаси билан биргаликда тарқатилади.

ЯНГИ ҲУЖЖАТЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТАМИЗ

СОЛИҚ ИМТИЁЗЛАРИ ТАРТИБГА СОЛИНАДИ

Солиқ имтиёзлари тартибга солиниши муносабати билан Президентнинг 2009 йил 17 июндаги ПФ-4116-сон Фармони («Норма маслаҳатчи»нинг шу сонидаги ҳужжатлар пакетидан чоп этилмоқда) билан Президентнинг айрим қарорларига ўзгартишлар киритилди ҳамда баъзилари ўз кучини йўқотган деб ҳисобланди.

Президентнинг 1996 йил 31 майдаги «Хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарни ташкил этиши ва уларнинг фаолиятини рағбатлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» ПФ-1467-сон Фармонининг иловасида кўрсатиб ўтилган тоифа учун назарда тутилган имтиёзлар рўйхати назарда тутилган иккинчи бўлим чиқариб ташланди.

Президентнинг 2000 йил 28 апрелдаги «Нефть ва газ конларини разведка қилиш ҳамда уларни қазиб чиқаришга бевосита хорижий шirkмаларни жалб этиш чора-тадбирлари тўғрисида» ПФ-2598-сон Фармонига киритилган ўзгартишларга мувофиқ, нефть ва газ конларини қидириш ва разведка қилиш ишларини амалга оширган хорижий компаниялар иштирокида ташкил этиладиган нефть ва газ қазиб чиқарувчи қўшма корхоналар нефть ёки газ қазиб олинишидан бошлаб 7 йил муддатга фойда солиғи тўлашдан озод қилинади. Мазкур муддат тугаганидан сўнг имтиёз бошқа қўлланилмайди (илгари амалдаги ставканинг 50 фоизи миқдоридан солиқ ставкаси белгиланган эди).

Президентнинг 2007 йил 14 мартдаги «Ишлаб чиқаришни модернизациялаш, техник ва технологик қайта жиҳозлашни рағбатлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» ПФ-3860-сон Фармонидидаги ўзгартишларга асосан, беш йил давомида ягона солиқ тўлови тўлашда солиқ солинадиган базани харид қилинган янги технологик жиҳозлар қийматига тенг, аммо солиқ солинадиган базанинг 25 фоизидан кўп бўлмаган миқдорда камайтириш кўринишидаги солиқ имтиёзлари нафақат ишлаб чиқариш микрофирмалари ва кичик корхоналари учун, балки солиқ солишининг соддалаштирилган тартибини қўллайдиган барча юридик шахсларга қўлланилади.

Солиқ имтиёзлари тартибга солиниши муносабати билан Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 17 июндаги 168-сон қарори («Норма маслаҳатчи»нинг шу сонидаги ҳужжатлар пакетидан чоп этилмоқда) билан ҳукуматнинг айрим қарорларига ўзгартиришлар киритилиб, баъзилари ўз кучини йўқотган деб топилди. Хусусан, Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 22 июлдаги 349-сон қарорининг 4-банди куйидаги тахрирда баён этилди: «...фойда солиғини ҳисоблашда юридик шахсларнинг солиқ солинадиган фойдаси сифатни бошқариш тизимлари жорий этилиши ва уларни қўллаб-қувватлашга йўналтириладиган инвестициялар суммасига қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда камайтирилади».

ЯНГИ ПАСПОРТ

Халқаро фуқаро авионавигацияси хавфсизлигини таъминлаш, шахсни тасдиқловчи ҳужжатларнинг қалбакилаштирилишига қарши ҳимоя даражасини ошириш

мақсадиди Президентнинг «Ўзбекистон Республикасида паспорт тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» Фармони (2009 йил 23 июндаги ПФ-4117-сон) («Норма маслаҳатчи»нинг шу сонидаги ҳужжатлар пакетидан чоп этилмоқда) билан 2010 йил 1 январдан бошлаб эгаларининг биометрик маълумотлари бўлган Ўзбекистон фуқаросининг паспорти жорий этилмоқда. Аҳолининг амалдаги паспортини биометрик паспортга босқичма-босқич алмаштириш тартиби тасдиқланди.

СОҒЛОМ АВЛОД УЧУН

Президентнинг 2009 йил 1 июлдаги ПҚ-1144-сон қарори билан 2009-2013 йилларда аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, соғлом бола туғилиши, жисмоний ва маънавий баркамол авлодни вояга етказиш борасидаги ишларни янада кучайтириш ва самардорлигини ошириш чора-тадбирлари дастури маъқулланди.

Дастурда айниқса республиканинг олис ва бориш қийин бўлган туманларида фертил ёшдаги аёлларни систематик равишда тиббий кўрикдан ўтказиш, ўсмир ёшдаги қизларни мажбурий равишда профилактик кўрикдан ўтказишни кенгайтириш ва сифатини ошириш; хатар гуруҳига кирувчи 100 минг нафар ҳомиладор аёлларни пренатал тадқиқотдан ва 500 минг нафар янги туғилган чақалоқларни неонатал скрининг тадқиқотдан ўтказиш, улар орасида туғма нуқсонлар билан туғилган чақалоқларни махсус даволовчи озуқа ва дори-дармонлар билан таъминлаш; болаларни иммунлаштириш дастурини амалга ошириш; республика минтақаларидаги туғруқхоналар негизда вилоят перинатал марказларини ташкил этиш; республиканинг барча туғруқхоналарида ёш оналарни «Кичик ёшдаги болаларни парвариш қилиш асослари»га ўргатиш, бошқа чора-тадбирларни амалга ошириш назарда тутилган.

НОГИРОНЛАР УЧУН КОМПЕНСАЦИЯ

Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 17 июндаги 166-сон қарори билан Сотиб олинган реабилитация техник воситаси ёки кўрсатилган хизматлар учун компенсация тўлаш тартиби тўғрисидаги низом тасдиқланди («Норма маслаҳатчи»да чоп этилади). Низом ногиронларга қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда бепул берилиши керак бўлган, улар томонидан ўз ҳисобига сотиб олинган реабилитация техник воситаси ёки кўрсатилган хизматлар учун компенсация тўлаш тартибини белгилайди. Белгиланишича, компенсация кресло-аравачалар; кичик габаритли аравачалар; эшитиш мосламалари; ҳассалар ва қўлтиқтаёқлар; реабилитация техник воситасини жорий таъмирлаш харажатлари учун тўланади.

ПОЙАБЗАЛ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ПАРАМЕТРЛАРИ

Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 17 июндаги «2009-2012 йилларда чарм-пойабзал саноати корхоналарини янада ривожлантириш ва модернизация қилиш ҳамда тайёр чарм товарлар ишлаб чиқариш ҳажмларини кўпайтириш чора-тадбирлари тўғрисида» 169-сон қарори («Норма

маслаҳатчи»да чоп этилади) билан куйидагилар маъқулланди:

2009-2012 йиллар даврида чарм-пойабзал маҳсулотларининг асосий турларини ишлаб чиқариш ва экспорт қилишининг мақсадли параметрлари;

2009-2012 йиллар даврида республика чарм-пойабзал корхоналарини модернизация қилиш ва техник жиҳатдан қайта жиҳозлаш бўйича инвестиция лойиҳалари рўйхати.

Президентнинг 2009 йил 28 январдаги «Маҳаллий ноозиқ-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқариш кенгайтирилишини рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида» ПҚ-1050-сон қарорига мувофиқ 2012 йил 1 январгача божхона тўловлари (божхонада расмийлаштириш йиғимларидан ташқари) тўлашдан озод қилиш тарзида имтиёзлар берилган чарм-пойабзал маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи корхоналар томонидан республикада ишлаб чиқарилмайдиган ва улар ўз эҳтиёжлари учун фойдаланадиган импорт бутловчи буюмлар, хом ашё ва материаллар рўйхати тасдиқланди.

ВАЗИРЛИКЛАР ЭЪТИБОРИГА

Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 19 июндаги 171-сон қарори билан Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 10 январдаги 6-сон қарори билан тасдиқланган Халқаро ташкилотларга Ўзбекистон Республикаси бадалларини тўлаш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартишлар киритилди. Чунончи, энди халқаро ташкилотларга бадаллар тўловчи вазирликлар ва идоралар келгуси молия йилида бадалларини тўлаш юзасидан буюртмаларни аъзолик ҳақидаги ҳужжатлар нусхаларини, келгусида халқаро ташкилотда қатнашишининг мақсадга мувофиқлиги тўғрисидаги асословчи материалларни илова қилган ҳолда, аъзоликдан олинандиган иқтисодий ва бошқа фойдаларни, тўловлар бўйича қарзни ва бошланадиган молия йилидаги тўловлар суммасини кўрсатиб, 1 сентябргача (илгари - 15 июн-гача) бўлган муддатда Ташқи ишлар вазирлигига ва Молия вазирлигига киритадилар. Низомга бошқа ўзгартишлар ҳам киритилди.

ХАЛҚАРО СТАНДАРТГА МУВОФИҚ СИФАТ САРИ

Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 19 июндаги «Республика корхоналарида халқаро стандартларга мувофиқ бўлган сифатни бошқариш тизимларини жорий этишни кенгайтиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 173-сон қарори («Норма маслаҳатчи»нинг шу сонидаги ҳужжатлар пакетидан чоп этилмоқда) билан 2011 йил 1 январга қадар халқаро стандартларга мувофиқ бўлган сифатни бошқариш тизимлари жорий этилиши керак бўлган корхоналар рўйхати тасдиқланди. Шунингдек Сифатни бошқариш тизимларини жорий этишни мувофиқлаштириш бўйича махсус ишчи гуруҳининг янгиланган таркиби тасдиқланган бўлиб, унинг асосий вазифаларига ўз вақтида ишлаб чиқиш, жорий этиш ва сертификатлаштириш билан боғлиқ жараёнларнинг тизимли мониторингини олиб бориш ва бошқалар кирди. Белгиланишича, халқаро стандартларга мувофиқ бўлган сифатни бошқариш тизимларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш учун тегишли малакага эга бўлган маслаҳатчини очиқ тан-

лов асосида жалб этилади, тизимларни сертифицирлаштириш эса қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда аккредитация қилинган сертифицирлаштириш органлари томонидан амалга оширилади. Давлат эҳтиёжлари учун маҳсулотлар харид қилиш юзасидан тендер савдолари ўтказишда устуллик сифатни бошқаришнинг сертифицирлаштирилган тизимига эга бўлган мамлакатимиз маҳсулот етказиб берувчиларига берилади.

СУҒУРТАЛОВЧИЛАРГА ЯНГИ ТАЛАБЛАР

Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 24 июндаги ««Иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини амалга ошириш чора-тадбирлари ҳақида» 177-сон қарори («Норма маслаҳатчи»да чоп этилади) билан Иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш қоидалари тасдиқланди. Ҳужжат билан шунингдек Суғурталовчилар ва суғурта брокерларининг суғурта фаолиятини лицензиялаш тўғрисидаги низомга (Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 27 ноябрдаги 413-сон қарори билан тасдиқланган) қўшимчалар ҳам киритилди. Энди суғурталовчилар ва суғурта брокерларининг суғурта фаолиятини амалга оширишнинг лицензия талаблари ва шартларига (иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурталовчилар учун) Қорақалпоғистон Республикасида, барча вилоятлар ва Тошкент шаҳрида иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш шартномалари ёки аннуитетлар шартномаси тузиш, иш берувчилар (ёки) жабрланувчилар ёхуд наф олувчиларнинг суғурта товони ва товонини тўлаш тўғрисидаги талабларини кўриб чиқиш ваколатига эга бўлган ўз филиаллари ва бошқа алоҳида бўлинмалари мавжуд бўлиши ҳам кирди. Шунингдек талабгор лицензия олиши учун зарур бўлган ҳужжатлар рўйхати ҳам тўлдирилди.

КОРПОРАТИВ СИЁСАТ - ТУРЛИЧА, ҚОНУН - ЯГОНА

Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 25 июндаги «Маҳсулот тақсимолига оид битимларни ва геология қидирув ишлари олиб бориш тўғрисидаги битимларни амалга ошириш механизмининг такомиллаштириш ҳақида» 178-сон қарори билан Маҳсулот тақсимолига оид битимлар ва геология-қидирув ишлари олиб бориш тўғрисидаги битимлар доирасида товарлар, ишлар ва хизматларни харид қилишда танловлар ўтказиш тартиби тўғрисидаги низом тасдиқланди.

Шунингдек, белгиланишича, инвестор битим бўйича ишларни бажаришда Ўзбекистон меҳнат ҳақидаги қонунларига ва «Маҳсулот тақсимолига оид битимлар тўғрисида»ги Қонунга зид бўлмаган қисми юзасидан операторнинг ёки бошқа ташкилотларнинг ходимларини танлаш, ёллаш, ишдан бўшатиш, рағбатлантириш бўйича ўзининг корпоратив сиёсатини қўллаш ҳуқуқига эга; Ўзбекистон қонун ҳужжатлари талабларига ва битимга мувофиқ Ўзбекистон фуқароларининг битим бўйича ишларни бажаришга жалб этилишини таъминлайди; операторда ёки битим бўйича ишларни бажариш учун инвестор томонидан ташкил этиладиган бошқа ташкилотда ишлаш учун инвестор томонидан хизмат сафарига юбориладиган мутахассислар, агар уларга моддий бойликлар ҳара-

2-бетга

УШЎ СОҒДА	1-2-бетлар	3-4-бетлар	5-12-бетлар	13-16-бетлар
	Қонун ҳужжатларига қисқа шарҳлар	Таълим тижоратли бўладими?	Янги қонун ҳужжатлари	Реклама
	\$1 = 1484,98 сўм	€1 = 2075,11	£1 = 2419,18 сўм	¥10 = 155,46 сўм

INTER-PRESS АХБОРОТ АГЕНТЛИГИ

ОБУНА-2009 ГАЗЕТАЛАР, ЖУРНАЛЛАР, КИТОБЛАР

Bella Terra • Baby Terra • Jannat Makon • 7 днел • Burda • Cosmopolitan • Forbes • Домовой • Glamour • OOPS! • Автомир • Аргументы и Факты • Verena • Вокруг света • Вокруг смеха • Все звезды • За рулем • Здоровье • Итоги • Караван Историй • Клаксон • Коммерсантъ • Крестьянка • Лиза • Огонек • Отдохни! • Совершенно секретно

www.interpress.uz

119-0000
155-0955

Тошкент ш., Навоий кўч., 13

ЯНГИ ХУЖЖАТЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТАМИЗ

1-бетда кати билан боғлиқ раҳбарлик, ташкилий, фармойиш берувчи, назорат-текшириш функциялари юкланган бўлса, мансабдор шахслар ҳисобланадилар ва Ўзбекистон қонун ҳужжатларида белгиланган моддий ва бошқача жавобгар бўладилар.

УЙ-ЖОЙ ҚУРИШ - «БИР ДАРЧА» ДАН

Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 2 июлдаги 184-сон қарори билан Туманлар (шаҳарлар) ҳокимликлари ҳузуридаги тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш инспекциялари томонидан яқка тартибда уй-жой қуриш (реконструкция қилиш)ни амалга оширишга рухсатномаларни расмийлаштириш, лойиҳаларни ваколатли органларда бир жойнинг ўзида келишиш тартиби тўғрисидаги низом тасдиқланди («Норма маслаҳатчи»да чоп этилади).

Низомда уй-жой қуришда, реконструкция қилишда рухсатномалар олиш ва ваколатли органларда лойиҳаларни келишиш тартиби, қурилиши (реконструкция қилиш) тугалланган уй-жойни фойдаланишга қабул қилиш ва бошқа масалалар белгиланган. Чунончи, уй-жой қуришга рухсатномалар олиш учун қурувчи ёхуд унинг вакили ҳокимнинг ер участкаси ажратиш тўғрисидаги қарорининг нусхаси ва тегишли лицензияси бўлган лойиҳа ташкилоти томонидан ишлаб чиқилган уй-жой қуришга лойиҳани илова қилган ҳолда Инспекцияга ариза бериши керак. Уй-жойни реконструкция қилишга рухсатномаларни расмийлаштириш учун эса мўлжалланаётган ишларни баён қилган ҳолда реконструкция қилишга ариза берилади.

Шунингдек, қурувчи ёки уй-жой мулкдори яқка тартибда уй-жой қуриш ва уй-жойни реконструкция қилишни амалга ошириш учун рухсатномаларни Инспекцияга мурожаат қилмасдан мустақил равишда расмийлаштириш, шунингдек лойиҳаларни келишиш ҳуқуқига эгаллиги ҳам белгиланган.

«UZ-TO'LOV» - ТЎЛОВНИНГ ИСТАЛГАН ШАКЛИ

Марказий банк бошқарувининг қарори (АВ томонидан 2009 йил 20 июнда 1972-сон билан рўйхатдан ўтказилган) билан Давлат-тижорат Халқ банкининг «Uz-to'lov» тўлов тизими орқали чакана тўловларни амалга ошириш тартиби тўғрисидаги низом тасдиқланди. Белгиланишича, «Uz-to'lov» тўлов тизими чакана тўловларни тўловчилар - жисмоний шахслардан олувчилар фойдасига қабул қилиш ҳамда миллий валютадаги пул ўтказмаларини амал-

га ошириш учун мўлжалланган. Мазкур тўлов тизими аҳолидан тўлиқ автоматлаштирилган ҳолда реал вақт режимда тўловларни қабул қилиш, қайта ишлаш ва банк тизими билан мувофиқликда ишлашни таъминлайди ҳамда миқдорларга ихтиёрий қулай усулда - нақд пул билан, банк картаси билан, оммавий ўз-ўзига хизмат кўрсатувчи тўлов-маълумот терминаллари (инфокиоскалари) ва терминаллардан фойдаланган ҳолда, ҳисобварақларни масофадан туриб бошқариш тизимлари орқали ҳамда мобиль телефонлари қўллаган ҳолда тўловларни амалга ошириш имконини беради.

2009 йил 30 июндан кучга кирди.

ЎЗГАРТИШЛАР КИРИТИЛДИ

Давлат мулки кўмитаси ҳузуридаги Қимматли қозғалар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш маркази бош директорининг буйруғи (АВ томонидан 2009 йил 20 июнда 1322-1-сон билан рўйхатдан ўтказилган) билан «Бошқарувчи компаниялар ўз маблағлари миқдорининг ҳисоби ва инвестиция активларининг ўртача йиллик қийматини аниқлаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруққа (2004 йил 5 мартдаги 1322-сон) ўзгартиришлар киритилди. Хужжат «Қимматли қозғалар бозори тўғрисида»ги Қонун билан мувофиқлаштирилди.

2009 йил 30 июндан кучга кирди.

Марказий банк бошқаруви қарори билан Ўзбекистон Республикаси банкларида очиладиган банк ҳисобварақлари тўғрисидаги йўриқномага ўзгартиришлар киритилди (АВ томонидан 2009 йил 20 июнда 1948-1-сон билан рўйхатдан ўтказилган). Чунончи, тадбиркорлик субъектларига банкларда ҳисобварақлар очиш учун энг кам ойлик иш ҳақининг 0,5 баробари, қишлоқ жойларда эса энг кам ойлик иш ҳақининг 0,1 баробари миқдориди ҳақ олиниши белгиланган. Шунингдек бошқа ўзгартиришлар ҳам киритилган.

2009 йил 30 июндан кучга кирди.

Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш кўмитаси, Молия вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Фанлар академиясининг қарори (АВ томонидан 2009 йил 20 июнда 1705-1-сон билан рўйхатдан ўтказилган) билан Фундаментал ва амалий тадқиқотлар илмий-техника дастурларини шакллантириш ва амалга ошириш тартиби тўғрисидаги низомга қўшимча ва ўзгартиришлар киритилди.

2009 йил 30 июндан кучга кирди.

ХОРИЖИЙ ВАЛЮТАЛАРНИНГ СЎМГА НИСБАТАН ҚИЙМАТИ

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек божхона ва бошқа мажбурий тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан куйидаги қийматини белгилади:*)

	23.06.2009 й.	30.06.2009 й.	7.07.2009 й.
1 Австралия доллари	1 185,20	1 189,92	1 179,97
1 Англия фунт стерлинги	2 438,37	2 444,36	2 419,18
1 Дания кронаси	276,67	279,58	278,75
1 БАА дирҳами	403,59	403,92	404,34
1 АҚШ доллари	1 480,58	1 483,50	1 484,98
1 Миср фунти	264,39	265,01	265,93
1 Исландия кронаси	11,55	11,65	11,75
1 Канада доллари	1 301,95	1 284,64	1 278,61
1 Хитой юани	216,65	217,09	217,34
1 Малайзия ринггити	418,60	419,96	420,44
1 Польша злотийси	454,74	462,11	477,44
1 СДР	2 282,49	2 300,94	2 297,13
1 Туркия лираси	951,53	965,51	967,35
1 Швейцария франки	1 367,11	1 365,77	1 366,38
1 ЕВРО	2 058,72	2 091,74	2 075,11
10 Жанубий Корея вони	11,64	11,52	11,72
10 Япония иенаси	154,48	155,45	155,46
1 Россия рубли	47,52	47,67	47,52
1 Украина гривнаси	194,37	194,47	194,50

*) Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.

Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги Хайъатининг қарори (АВ томонидан 2009 йил 24 июнда 762-1-сон билан рўйхатдан ўтказилган) билан Ишсиз шахсларни касбга тайёрлаш ва қайта тайёрлаш, уларнинг малакасини оширишни ташкил этиш тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритилди.

2009 йил 4 июндан кучга кирди.

Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги ҳамда Давлат божхона кўмитасининг қарори (АВ томонидан 2009 йил 27 июнда 1853-1-сон билан рўйхатдан ўтказилган) билан Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кириладиган истеъмол товарларининг рўйхатига уни Президентнинг 2006 йил 3 августдаги «Пластик карточкалар асосида нақд пулсиз ҳисоб-китоб тизимини янада ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-433-сон қарори билан мувофиқлаштирувчи ўзгартириш киритилди («Норма маслаҳатчи»нинг шу сонидаги хужжатлар пакетида чоп этилмоқда).

2009 йил 7 июндан кучга кирди.

БЮДЖЕТ ТАШКИЛОТЛАРИ УЧУН ҲИСОБОТ ШАКЛЛАРИ

Молия вазирлиги буйруғи (АВ томонидан 2009 йил 16 июнда 1969-сон билан рўйхатдан ўтказилган) билан Давлат бюджетиди турадиган ташкилотларнинг сет, штат ва контингентлари бўйича режанинг бажарилиши тўғрисидаги чораклик ва йиллик ҳисоботлар шакллари тасдиқланди.

2009 йил 26 июндан кучга кирди.

ҚҚС ВА ПАХТА ТОЛАСИ

Молия вазирлиги, Давлат солиқ кўмитасининг қарори (АВ томонидан 2009 йил 26 июнда 1974-сон билан рўйхатдан ўтказилган) («Норма маслаҳатчи»нинг шу сонидаги хужжатлар пакетида чоп этилмоқда) билан Пахта толаси ва лентни экспортга ва республика корхоналарига реализация қилишда қўшилган қиймат солигини ҳисобварақ-фактураларда акс эттириш тартиби тўғрисидаги низом тасдиқланди.

Чунончи, пахта толаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлигининг ташқи савдо компаниялари ва Ўзбекистон Республикаси товар-хом ашё биржасининг валюта майдончаси орқали чет эл валютасига реализация қилинади. Республика айрим тармоқлари корхоналарига эса Вазирлар Маҳкамасининг қарорига биноан «Пахтасаноат» худудий акциядорлик бирлашмалари билан тузиладиган тўғридан-тўғри шартномалар бўйича реализация қилиниши мумкин. Пахта тозалаш заводлари томонидан пахта толасини «Пахтасаноат» ҲАБга реализация қилиш кон-

Меъёрий-ҳуқуқий хужжатларнинг қисқача шарҳлари 2009 йил 13 июндан 3 июлгача бўлган давр учун «Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами»нинг 25-27-сонлари асосида тайёрланди.

Мазкур ва бошқа хужжатларнинг тўлиқ матни билан www.norma.uz сайтидаги эркин кириладиган «Қонунчиликдаги янгиликлар» рукнида танишиб чиқишингиз мумкин.

МДХ ВА БОЛТИКБЎЙИ МАМЛАКАТЛАРИ ВАЛЮТАЛАРИНИНГ АҚШ ДОЛЛАРИ, ЕВРО ВА РОССИЯ РУБЛИГА НИСБАТАН КУРСЛАРИ

Мамлакат	Сана	АҚШ доллари		Евро		Россия рубли	
		бирлиги	курс	бирлиги	курс	бирлиги	курс
Озарбайжон	9.07.2009	1	0,8043	1	1,1177	1	0,0253
Арманистон	9.07.2009	1	364,54	1	508,82	1	11,44
Беларусь	10.07.2009	1	2861,00	1	3985,37	1	89,72
Грузия	9.07.2009	1	1,6622	1	2,313	1	5,23
Қозоғистон	10.07.2009	1	150,53	1	210,09	1	4,72
Қирғизистон	4.07.2009	1	43,3148	1	60,6039	1	1,3862
Латвия	10.07.2009	1	0,505	1	0,702804	1	0,0159
Литва	10.07.2009	1	2,4784	1	3,4528	10	7,7783
Молдова	9.07.2009	1	11,2167	1	15,6141	1	0,3535
Тожикистон	9.07.2009	1	4,4002	1	6,0802	10	1,4156
Ўзбекистон	7.07.2009	1	1484,98	1	2075,11	1	47,52
Украина	9.07.2009	100	762,45	100	1059,8817	10	2,399

Манба: www.prime-tass.ru

УШБУ
СОҒДА:

- ҚОНУНЧИЛИКДАГИ ЯНГИЛИКЛАР
- Янги хужжатларни тақдим этамиз
- Валюталар курси 1-2-бетлар
- БУГУННИНГ ГАПИ
- Таълим соҳасида лицензиялаш масалалари
- Ҳақиқатда
- Ҳақиқатда
- ЎЗБЕКИСТОН ҚОНУНЧИЛИГИДАГИ ЯНГИЛИКЛАР
- Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонлари:
- «Солиқ имтиёзлари тартибга солиниши муносабати

билан Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим қарорларига ўзгартиришлар киритиш ҳамда баъзиларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида»;

- «Ўзбекистон Республикасида паспорт тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари:

- «Солиқ имтиёзлари тартибга солиниши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартиришлар ки-

ритиш ва баъзиларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида»;

- «Республика корхоналарида халқаро стандартларга мувофиқ бўлган сифатни бошқариш тизимларини жорий этишни кенгайтиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»;

Идораий-меъёрий хужжатлар:

- ЎЗР МВ, ДСҚнинг «Пахта толаси ва лентни экспортга ва республика корхоналарига реализация қилишда қўшилган қиймат солигини ҳисобварақ-фактураларда акс эттириш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори;

- ЎЗР ИВ, МВ, ТИАИСВ, ДБКнинг «Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кириладиган истеъмол товарларининг рўйхатига ўзгартириш киритиш тўғрисида»ги қарори;

ЎЗР Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат кўмитаси, МВ, ИВ, МББнинг «Қозғалар чикиндиларини тўплаш, тайёрлаш ва қайта ишлаш учун етказиб бериш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори.

Меъёрий-ҳуқуқий хужжатларни давлат рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисида 2009 йил 2 майдан 22 майгача бўлган маълумот. 5-12-бетлар

• top 13-16-бетлар

«Норма маслаҳатчи» газетаси таҳририятига таълим соҳасида лицензиялаш тўғрисида амал қилаётган қонун ҳужжатлари қоидаларини тушунтириб беришни илтимос қилиб бир нечта ташкилот – Автомактаблар уюшмаси, бухгалтерлар, дастурчиларни тайёрлаш марказлари ва бошқа ўқитиш тузилмалари мурожаат қилганлар. Мақтубларда қуйидаги саволларга жавоб беришимиз сўралган: давлат намунасидаги таълим тўғрисидаги ҳужжатларни тақдим этмайдиган хусусий марказлар, курсларнинг фаолияти таълим фаолияти бўлиб ҳисобланадими ва уни амалга ошириш учун лицензия олиш шартми? Таҳририят Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Республика тест маркази директори Баҳром ИСМОИЛОВдан мазкур ва бошқа саволларга жавоб беришни илтимос қилди.

– «Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисида»ги Қонунга (2000 йил 25 майдаги 71-II-сон) мувофиқ, «амалга оширилиши фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига, соғлиғига, қамоат хавфсизлигига зарар етказиши мумкин бўлган ҳамда тартибга солиб турилиши лицензиялашдан ташқари усуллар билан амалга оширилиши мумкин бўлмаган» фаолият турлари лицензияланади. Мамлакатимизда таълим олиш ҳуқуқи Конституция билан кафолатланган, бинобарин, барча турдаги таълим ва таълим хизматларининг, уларни ким кўрсатишидан қатъи назар, сифат даражасини таъминлаш давлатнинг бурчидир.

Ушбу вазифани ҳал қилишни фақатгина бозорга юклар қўйишнинг ҳам мавриди келмади, ҳам бу моҳиятан тўғри эмасдир. Айрим МДХ мамлакатларининг таърибаси ўзаро рақобатдош бўлган таълим муассасаларининг кўплиги таълим хизматларининг юқори сифатини кафолатлашга қараганда қўллангани керак. Уларга риоя қилинишни таъминловчи механизмлардан бири бўлиб лицензиялаш ҳисобланади.

Шунга асосланиб, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси нодавлат таълим муассасалари фаолиятини лицензияладиган фаолият турлари рўйхатига киритган. Ўқув муассасасига лицензия талаблари ва шартларига риоя қилиш мажбуриятини юклаган ҳолда лицензиялаш таълим хизматлари сифатини таъминлаш имконини беради. Лицензия талаблари ва шартларига қуйидагилар кирди:

● Ўзбекистон Республикасининг таълим соҳасидаги қонун ҳужжат-

ларига мажбурий риоя қилиш;

● таълим дастурларини умумий ўрта, ўрта махсус, касб-хунар ва олий таълим давлат таълим стандартларига мувофиқ, шунингдек мактабгача, мактабдан ташқари таълим, кадрлар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлашга доир давлат талабларига мувофиқ амалга ошириш;

● таълимнинг мажбурий равишда дунёвий характерда бўлиши, таълим жараёнида урушни, зўравонликни тарғиб қилишдан фойдаланишга, фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқлари ва эркинлиги камсити-

ўқитишнинг замонавий воситалари билан жиҳозлаш.

Кўриб турганингиздек, лицензия талаблари анча қатъий. Бироқ уларга риоя қилиниши амалда узлуксиз таълим бериш ва уни ягона ўқув-илмий-ишлаб чиқариш мажмуаси сифатида ривожлантириш имконини беради. Давлат таълим стандартлари ва талаблари таълим-профессонал дастурларнинг узлуксизлиги ва изчиллигини таъминлайди. Инсонга бутун умр давомида зарур

тўғри эга, яъни улар муассислар учун фойда олиш мақсадини кўзламайди. Таълим – эгаларига дивиденд келтирадиган бизнес эмас. У ижтимоий муҳим ва ижтимоий масъулиятли фаолият бўлиб, жамиятнинг энг муҳим эҳтиёжи – сифатли таълим олган инсонларга бўлган талабни қондиришга йўналтирилган. Таълим фаолияти моҳиятига кўра юқори рентабелли бўлиб ҳисобланмайди, зеро, юқори малакали ўқитувчиларни жалб этиш, ўқув жараёнининг моддий-техник базасини барпо этиш ва ривожлантириш ва бошқалар

субъектлари сифатида қаралмайди. Улар даромадларининг харажатларидан ошган қисми таълим муассасасини ривожлантиришга сарфланади».

Ўзбекистон қонунчилигига келсак, таълим соҳасини тартибга солиш барча меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда нодавлат таълим муассасаси ҳақида сўз юритилмади. Шу сабабли лицензияни олаётган пайтда таълим тузилмаси «муассаса» ташкилий-ҳуқуқий шаклига эга бўлиши шарт. Фуқаролик кодексига мувофиқ мазкур шакл нотижорат ташкилотнинг бир

ТАЪЛИМ СОҲАСИДА ЛИЦЕНЗИЯЛАШ МАСАЛАЛАРИ

лишига, мамлакатдаги хавфсизлик ва ижтимоий-сиёсий барқарорликка, жамиятнинг ҳуқуқий ва маънавий асосларига, фуқаролар осойишталигига, миллатлараро ва динлараро тотувликка раҳна солинишига, Ўзбекистон тўғрисида нотўғри ахборотлар тарқатилишига ҳамда унинг тарихий, маданий ва маънавий қадриятлари бузиб кўрсатилишига йўл қўймаслик;

● лицензия талабларида лицензияланаётган фаолиятни бажариш учун мўлжалланган, унга мулккий ёки бошқа ашёвий ҳуқуқ билан тегишли бўлган, белгиланган талабларга мувофиқ бинолар (хоналар)нинг мавжудлиги;

● нодавлат таълим муассасаларида фанларни тегишли базавий маълумотга эга бўлган шахслар томонидан ўқитиш;

● ўқув ва тарбия жараёнини давлат таълим стандартларига (давлат талабларига), ўқув режаларига ва таълим дастурларига мувофиқ ташкил этиш;

● аудиторияларни, ўқув хоналарини ва кутубхоналарни зарур ўқув ва ўқув-услубий адабиётлар, ўқув-лаборатория асбоб-анжомлари ва

бўладиган билим шу тарзда ҳосил бўлади.

Таълим соҳасида лицензия талабларига риоя қилиниши устидан доимий назорат у ёки бу касбга доир билимларни эгалламоқчи бўлган, бирон нарса ўрганиш ёки ўз малакасини ошириш истагидаги инсонларнинг манфаатини ҳимоя қилиш имконини беради. Нодавлат таълим муассасалари ўз фаолиятини пулли асосда олиб борадилар, таълим қиймати эса ҳозирги кунда анча юқори. Улар фаолиятини лицензиялаш эса ноҳалол таълим хизматлари кўрсатилиши хавфини камайтиради. Бу эса таълим олаётганга ҳам, бутун жамият учун ҳам фойда келтиради.

– Баҳром Маҳмудович, дейлик, масъулияти чекланган жамият шаклида ташкил этилган нодавлат таълим ташкилоти лицензиясини олиш учун у албатта нотижорат муассасага айлантирилиши талаб қўйилмоқда. Бу нима билан боғлиқ?

– Бутун дунёда таълим муассасаларининг фаолияти нотижорат

катта харажатларни талаб қилади. Дунёнинг кўпгина мамлакатларидаги давлатлар нотижорат муассаса шаклида фаолият юритаётган нодавлат таълим ташкилотларини барча турдаги солиқлардан озод қилиши бежиз эмас. Бунда таълим муассасаларининг ҳам, жамиятнинг ҳам манфаатлари кўзланади.

Дарвоқе, МДХнинг кўпгина мамлакатларида таълим тузилмаларига фақат нотижорат ташкилот шаклида фаолият юритишга рухсат этилади. Мисол учун, бундай меъёrlар Россия қонунчилигида, шунингдек «Катта ёшли кишиларнинг таълим олиши тўғрисида»ги модели Қонунда (МДХ иштирокчиси бўлган давлатлар Парламентлараро Ассамблеясининг ўнинчи ялпи мажлисида қабул қилинган) ўрин олган. Унинг 27-моддаси қуйидагича баён этилган: «Катта ёшли кишилар таълим оладиган муассасалар уларнинг ҳуқуқий мақоми ва мулкчилик шаклидан қатъи назар, фойда келтирмайдиган ташкилотлар бўлиб ҳисобланади, тадбиркорлик мақсадларида хизмат кўрсата олмайди ва уларга бозор муносабатлари

туридир.

– Бугунги кунда нодавлат таълим муассасасига қонунчилик билан қўйилаётган талабларни барча ҳам бажара олмайди. Бу кўпгина ўқув марказлари ва курсларнинг ёпилиши, қўшимча таълим хизматлари бозоридаги рақобатнинг пасайиши, мазкур сектордаги иш жойларининг қисқаришига олиб келиши мумкин.

– Агар сиз ҳақиқатан ҳам таълим муассасаси бўлишни ва таълим хизматлари кўрсатишни истасангиз, у ҳолда таълим соҳасидаги қонунларга риоя қилишга мажбурсиз. Агарда бундай имкониятларга эга бўлмасангиз, у ҳолда давлат томонидан бу каби талаблар қўйилмаётган хизмат турларини кўрсатишингиз мумкин. Масалан, қисқа муддатли семинарлар, тренинглр ўтказинг, маслаҳатлар беринг ва ҳоказо. 9200 кодини («халқ таълими») бошқа статистик кодга алмаштирсангиз, ҳеч қандай муаммо бўлмайди. Бироқ бу ҳолда, табиийки, сиз таълим муассасаси деб аталиш ва таълим хизматларини кўрсатиш ҳуқуқига эга бўлмайсиз. **Н**

БУ МУАССАСАНИНГ МАСЪУЛИЯТИ ЎЗГАЧА...

Михаил ХАДАЕВ,
Бозор кўникмаларини
ривожлантириш маркази
бош директорининг
биринчи ўринбосари.



– Таълим соҳасидаги ҳар қандай фаолиятнинг оқибатлари ижтимоий, социал хусусият касб этганлиги сабабли ҳам бундай фаолият албатта лицензияланмоғи керак деб

ҳисоблайман. Ўқитувчи-муаллимлар муайян билим бериш билан одам касб борасида ўсиши, ундаги ижодий салоҳият рўёбга чиқиши учун шароит яратиб беришлари ёки аксинча, ўз шогирдларини бу борадаги имкониятдан маҳрум этишлари мумкин. Шу боис таълим соҳасида лицензиялаш иши тараққиётимизни тўхтатиб туривчи гов-тўсиқ бўлиб қолмаслиги учун ҳам бу соҳада айни нималар тартибга солинишни ниҳоятда пухта ўйлаб, оқилона тарзда белгилаб олиш лозим.

Таълим тўғрисидаги ҳар қандай ҳужжат, у хоҳ давлат тасдиқлаган намунадаги диплом, хоҳ хусусий ўқув марказининг сертификати бўлсин, сиз нимадир қила олишингиз далолати бўлиб, муайян соҳада етарлича билим ва кўникмага эга эканлигини тасдиқлаш билан бирга иш берувчи ҳам бунга ишонч ҳосил қилмоғи керак. Давлат олий ўқув юртларида бериладиган ҳужжат (диплом) ҳозирча афзалроқ, яхшироқ деб қаралади – сабаби уларда назорат кучлироқ. Базавий таълим, гапнинг лўндасини айтганда, бизнес қилиш илминдагиларни қизиқтирадиган соҳа эмас. Биздагина эмас, жаҳоннинг кўпгина мамлакатларида ҳам таълим тизими одатда фойда келтирмайдиган тармоқ саналади.

Кадрлар тайёрлаш айна базавий бўлиши учун давлат стандартларини яратиш аънава бўлиб қолган, у ёки бу таълим тузилмасининг давлат тасарруфида ёхуд нодавлат йўналишида бўлиши эса жила аҳамиятли эмас. Лицензиялаш таълим соҳасидаги ҳар бир муассаса жавоб бериши жоиз бўлган талабларнинг қатъий тизимини тақозо этади. Кадрларни базавий тайёрлашга доир талаблар янада қаттиқроқ бўлмоғи даркор. Лицензия стандартларга жавоб бера оладиган ўқув дастурлари ва материаллари, зарур малакага эга бўлган, етарлича миқдорда ўқитувчилар, тегишли таълим технологиялари ҳамда сифатли ўқув жараёнини ташкил этиш имконини берадиган моддий база бўлишини талаб этади.¹ Бу ўринда талабларнинг ҳаммасини рисоладагидек деб ҳисоблайман.

Муаммолар мутахассисларни базавий тайёрлаш ишларини ҳамда уларнинг малакасини ошириш ёки уларни қайта тайёрлаш билан боғлиқ ишларни лицензиялашни бизлар негадир аниқ белгилай, қатъий фарқлай олмай кезларда келиб чиқади. **Зотан расмийчилик, ўта қоғозбошлиқнинг ҳам яхши ва ёмон томонлари борки, улар**

албатта инobatга олиниши керак.

Лицензиялашга тааллуқли талаблардан бири давлат стандартларига монанд таълим дастурлари бўлиши билан боғлиқдир. Бизнинг Марказда, масалан, стандарт талаблари даражасида 40 дан ортиқ тайёр дастур бор. Лекин бу биз ана шу дастурларни ўз миқдоримизга мунтазам равишда тавсия этиб истифода этамиз дегани эмас. Қолаверса, очигини айтсам, стандарт талаблари даражасидаги биронта ҳам дастурни шу кўринишида амалга оширмаймиз ҳисоб. **Мутахассисларни қайта тайёрлашда ўзимиздаги барча ўқув дастурларини ишга солмаймиз ва мавжуд стандартлардан фойдаланмаймиз – улар кадрларни базавий тайёрлашни амалга оширувчиларга керак. Биз миқдоримизнинг билим «бисоти»ни айна стандартларда ифода топмай қолган илмий-амалий бойликлар билан тўлдирамиз.**

Кичик бизнес соҳасида кўпинча тор доирадаги мутахассислар бўлмайди, зотан бу жабҳада ишлаётган одам баъзан бир ўзи беш кишининг вазифасини бажаришга мажбур. Биз айни шу мақсадда ходимни

¹Қаранг: Нодавлат таълим муассасалари фаолиятини лицензиялаш тўғрисидаги низом (Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 1 мартдаги 100-сон қарори билан тасдиқланган).

БУ МУАССАСАНИНГ МАСЪУЛИЯТИ ЎЗГАЧА...

3-бетда қайта тайёрлаш ишларини амалга оширамиз, унга янада самаралироқ ишлаш имкониятини кенгайтирадиган қўшимча билим ва кўникмалар берамиз. Масалан, аудит, баҳолаш ёки солиқ маслаҳати соҳасида янги талаб-эҳтиёжлар юзага келди дейлик. Биз бор имкониятларимизни тезкорлик билан сафарбар этиб, ўқув курси ташкил этамиз, керакли ўқитувчиларни топамиз, таълим ва тренинг машғулотларини йўлга қўямиз. Бироқ бу ерда ҳам стандарт ёндашувни қўллаб бўлмайди. Мабодо савдо соҳасида солиқ маслаҳатини амалга оширишга киришиладиган бўлинса, албатта шу соҳада теран билим керак. Негаки, айтилик саноатдаги солиқ маслаҳатига талаб ҳам, ёндашув ҳам бутунлай бўлакча. **Мен нодавлат таълим тузилмалари бозорнинг у ёки бу кадрларга бўлган талаб-эҳтиёжларини ҳамда истеъмолчиларнинг қўшимча билим олишга бўлган талаб-эҳтиёжларини яхшироқ қаноатлантирмоқда деб ҳисоблайман. Чунки уларнинг фаолияти стандарт курс таклифларидан эса, балки потенциал мижознинг талаб-эҳтиёжларини ўрганишдан бошланади.**

Мулкида ёки бошқа ашёвий ҳуқуқ асосида бино аудитори ва шу сингарилар бўлишига оид лицензия талабига келганда, бу борада ҳам оқилона чегара бўлмоғи лозим. Мен хориздаги шундай таълим муассасаларини биламанки, уларнинг бутун асбоб-ўсқуна ва жиҳозлари нари борса иккигагина хонага жо бўлади, тренинг машғулотлари ўтказиш учун жойни улар қисқа муддатга ижарага оладилар ёки мижозларнинг ўзлари бериб турадилар. Бизнинг Марказ сингари муассасаларда доимий асосдаги синфларнинг бўлиши шарт эмас. Кўп вақт бўш ётадиган ўқув аудиториялари жойлашган икки қават таъминотига қилинаётган сарф-харажатлари бошқалар билмас ҳам мен яхши биламан. Буюртмачилар корпоратив курсларни одатда бевосита корхоналарда ўтказишимизни сўрайдилар, негаки бу нарса уларга қулай-

роқ, одамларни ишдан кейин ёки қайсидир танаффус вақтида йиғиш осон, барча зарур инфратузилма ҳам бор, ўқув материалларини эса ўзимиз билан олиб боришимиз мумкин. **Ўзининг аудиториялари бўлиши шарт деган талаб бизга айна давлат намунасидаги таълим соҳасидан ўтганлигига аминман.** Бизга аслида чоғроқ идора-ю, яна бир-иккита ўқув синфи кифоя. Бошқа ҳаммаси идорамиз бюджетига ортиқча юк бўлиб, улардан тариқча ҳам наф йўқ десам муболага эмас.

Рост, бугунги кунда нимага ўқитиб-ўргатаётганлигининг тайини ҳам йўқ ноинсоф марказлар оз эмас, уларнинг базаси ҳам, дастурлари ҳам, ўқитувчилари ҳам йўқ. Бутун «марказ» бир жуфт уддабурон, абжир йигитлардан ташкил топган бўлиб, улар амалда аниқ бир буюртмага қараб қандайдир курс ташкил этишлари мумкин.

Каминага бир халқаро ташкилот диёримизда ташкил этган курслар тизимидаги таълим сифатини текшириб кўришга тўғри келган: ўқитувчи тренинг машғулоти олиб бормоқда, жонли мулоқот, интерфаоллик таъминланганлиги учун бўлса керак, одамлар (тингловчилар) ҳам мамнун. Лекин улар олаётган ҳақиқий билим шу қадар озки, асти қўя берасиз. На умумлашма, на тахлил, на тайинли тизим бор, нукул олди-қочди, тумтароқли гаплар...

Шу маънода бор ўқитувчиларни муайян тизимга солишдан яхши йўл бўлмас керак. Лекин бунда ҳам меъёрни унутмаслик зарур, зеро расмиятчиликни ҳаддан зиёд ошириб юбориш ишни бемаънилик ёқасига олиб бориб қўйиши мумкин. Лицензиялаш идорасида ишлаётганлар асосан давлат олий таълим тизимидан келганлиги боис шу тизим талабларини нодавлат таълим соҳасига ўтказишга ҳаракат қиладилар. Муаммонинг ҳаммаси аслида ана шунда.

Ўқув марказларининг барчаси нотижорат ташкилот бўлиши керак деган гаплар ҳам юрибди. Билишимча, амалдаги қонун ҳужжатларимизда бундай норма йўқ, бинобарин оғзаки йўсиндаги талаб

ижро учун мажбурий эмас. Бу масала-ни мақсадга мувофиқлик нуқтаи назаридан кўриб чиқиш жоиз.

Ўйлашимча, мазкур масала таълимнинг сифатидан ҳам кўра кўпроқ унинг ҳақиқий мазмун-моҳиятини назорат қилиш мақсадида ўртага қўйилмоқда. Ўқув марказлари раҳнамолиги, ҳимояси остида исталган нарсани, шу жумладан мафкура жиҳатидан номатлуб нарсаларни ҳам ўргатиш, ўқитиш мумкин. Шу маънода нодавлат нотижорат ташкилотларини назорат қилиш осонроқ. Таълим соҳасидаги бундай ташкилотлар учун лицензияловчи ва, тегишинча, назорат қилувчи орган Вазирлар Маҳкамасининг Нодавлат таълим муассасалари фаолиятини лицензиялаш комиссиясидир, бошқа нодавлат нотижорат ташкилотлари эса адлия органлари томонидан лицензияланади ҳамда назорат қилинади.

Бугунги кунда аҳолида таълим соҳасидаги хизматларга талаб катта. Ўз навбатида иқтисодиётимизнинг исталган бўғинида юқори малакали кадрларга кескин эҳтиёж сезилмоқда. Бизнинг Марказ масъулияти чекланган жамият шаклида таълим этилганлиги сабабли ҳам унинг таълим фаолиятини қаттиққўллик билан назорат қилишдаги таранглик нотижорат ташкилотидегига нисбатан қандайдир даражада бўштороқ. Хусусий ўқув марказлари раҳбарият ҳамда муассисларининг шахсий жавобгарлиги остида иш олиб борадилар.

Марказимиз масъулияти чекланган жамият эмасми, харажати кўтаришга қодир ҳар қандай одамни курсимизга таклиф этишимиз мумкин, бизда лицензия талабларига ва Марказимизгагина хос талабларга жавоб берадиган ҳамда у ёки бу курс бўйича сифатли билим бериш имконияти бор ўқитувчилар дастур асосида ўқитишади. Мабодо Марказимиз нодавлат нотижорат ташкилотига айлантириладиган бўлса, лицензияловчи органга «режалаштириладиган тадбирлар», яъни курслар тўғрисидаги тўлиқ ахборотни кимларни нималарга ўқитишимиз, қайси ўқитувчилар бунга жалб этилиши ва шу сингари маълумотлар билан бирга йилнинг ҳар чорагида² тақдим этишимиз шарт. Борди-ю, бу «дастур»да ниманидир ўзгартиришга тўғри келса (айтайлик, машғулот бошланиши арафасида ўқитувчи касал бўлиб қолиб ёки бошқа сабабга кўра ишга келолмаслиги аниқ бўлса;

шароит ўзгариб қолганлиги туфайли курс дастурига тегишли тузатишлар киритилса); вазиятга тезкорлик билан мослашиб олишимиз, лицензиядан маҳрум бўлиш таҳдидисиз ўқув маркази ва тингловчилар манфаатини кўзлаб иш тутишимиз қийин кечади.

Шу ўринда фикримни янада аниқроқ қилиб айтмоқчиманки, **ҳозирги пайтда нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятини тартибга солувчи қонун ҳужжатлари умуман олганда бундай ташкилотлар учун жуда мақбул эса-да, таълим фаолияти билан шуғулланаётган шундай ташкилотлар учун каттагина ғов-тўсиқ бўлиб қолмоқда.**

Бошқа жиҳатдан олганда, таълим билан боғлиқ фаолият тижорат хусусиятига эга бўлмаслигини жуда ҳам тўғри деб ҳисоблайман. Гарчи масъулияти чекланган жамият бўлса-да, усталимизда муассислар биздан бирон-бир даромад талаб қилишлари мумкин эмаслиги айтилган. Бу жуда жўяли гап, бинобарин ўқув марказининг даромади унинг салоҳиятини оширишдан бўлак мақсадда ишлатилмаслиги керак. **Менинг фикримча, ўқув марказларини нодавлат нотижорат ташкилотларига айлантириш деган фикрда жон бор, ammo улар шундай ташкилотларнинг алоҳида бир тури бўлиб қолиши, уларда ҳисоботнинг бутунлай бошқача, жуда пухта ўйланган тартиботи амал қилиши лозим.** Лицензияловчи органни ўқув маркази ўтказмоқчи бўлаётган тадбирлардан уч ой олдин эмас, балки зарурат юзага келишига қараб, хусусан 10-15 кун олдин хабардор қилиш тўғри бўлувчи. Гап бу ўринда тадбир ўтказишга руҳсат олиш мажбуриятисиз айна хабардор қилиш ҳақида бормоқда. Бунда марказлар юзага келиб ёки қалқиб чиқиб қолган жорий вазифалар ёки муаммоларни тезкорлик билан ҳал этиш имкониятига эга бўлишлари керак. Биргина шарти ўз тадбирлар режасидаги ўзгаришлар ҳақида Адлия вазирлигини, айтилик, уч кунлик муддат ичида ёки бошқачароқ тарзда хабардор қилишлари зарур. Лекин ҳар қандай ҳолатда ҳам инсофли ва ҳалол ўқув марказлари эҳтиёжларини инобатга олган ҳолда манфаатлар мувозанатига эришиш лозим.

«Норма маслаҳатчи» газетаси мухбири Юлия ЯШИНА томонидан тайёрланди.

ЎЗБОШИМЧАЛИК БИЛАН ҚУРИЛГАН ИМОРАТ ЁКИ МУЛК ҲУҚУҚИ ҲАҚИДА

Ёш бир жойга борганда мерос қолдириш масаласи кўпчиликни ўйлантириши табиий. Мулкдор ўзига тегишли мол-молкни «кўнгилга қулоқ солиб» кимга лозим топса, шунга ёзиб қолдиришга ҳақли ҳисобланади.

75 ёшни қоралаган буви шу мақсадда ўз набираси билан нотариус хузурига келди.

Қария кўп қаватли тураржой биносининг 1-қаватидаги 3 хонали квартирада ёлғиз яшайди. У ўзинга тегишли шу квартирани, шунингдек, унинг ёнида қурилган 2 та омбухона ва айвончани севимли набирасига васият қилиб қолдирмоқчи.

Нотариус бувига мерос ҳуқуқи ҳақида тушунча бераркан, квартира атрофидаги ихоталаб олинган жой, 2 та омбухона ва айвончани қонун бўйича васиятномада кўрсатиб бўлмаслигини, чунки бу қурилишлар ўзбошимчалик билан қурилган иморатлар тоифасига киришини ва ўз навбатида фуқаро бундай мулкларга нисбатан мулк ҳуқуқига эга эмаслигини айтди. Нотариуснинг сўзлари бувини ажаблантирди...

Амалиётнинг кўрсатишича, фуқаролар мулк ҳуқуқи борасида ҳалигача тўлиқ маълумотларга эга эмаслар. Шу туфайли турмушимизда юқоридагига ўхшаш воқеалар учраб туради. Ўзбошимчалик билан қурилган иморатларга нисбатан мулк ҳуқуққа эга бўлиш мумкинми?

Амалдаги қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда қурилиш мақсадлари учун ажратилмаган ер участкаларида, шунингдек, иморат

қуриш учун зарур рухсатнома олмадан ёки архитектура ва қурилиш нормалари ҳамда қондаларини жиддий бузган ҳолда қурилган уй-жой, бошқа бино, иншоот ёки ўзга кўчмас мулк ўзбошимчалик билан қурилган иморат ҳисобланади. Яъни бундай иморатлар жумласига уй ён атрофидаги худудда ўзбошимчалик билан қурилган гаражларни, уйига ёндощ, туташ қилиб қурилган турли қўшимча иморатларни, кўкаламзорлаштириб, кичикроқ боғ қилиб, айвонча ёки шийпонча қуриб, ихоталаб ўраб олинган жойларни ва бошқаларни киритиш мумкин.

Бинобарин, бундай қурилмаларни амалга оширган шахс уларга нисбатан мулк ҳуқуқини ололмайдди. Шунингдек, Фуқаролик кодексининг 212-моддасида белгиланганидек, бу шахс ўзбошимчалик билан қурилган иморатини тасарруф этишга, яъни сотишга, ҳада этишга, ижарага беришга, иморатга нисбатан бошқа битимлар тузишга ҳақли эмас.

Нотариал амалиётда ўзбошимчалик билан қурилган иморатлар бўйича куйидаги тартибда иш олиб борилади: фуқарога эғалик ҳуқуқи асосида тегишли бўлган уй-жойларни давлат рўйхатидан ўтказувчи орган томонидан гувоҳнома берилади; қўшиб қурилган иморатлар эса инобатга олинмайди.

Белгиланган тартибда ажратиб берилган ер участкасида қуриладиган янги уй-жойга мулк ҳуқуқи давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан бошлаб вужудга келади. Бир ёки бир неча шахслар томонидан қуриладиган уй-жой қурилиш тамом бўлгунча ва рўйхатдан ўтказилгунча маҳаллий ҳокимият органларининг рухсатисиз бошқа шахсга берилиши мумкин эмас. Шунингдек, давлатга қарашли уй-жой (квартира)га мулк ҳуқуқи қонун ҳужжатларида назарда тутилган хусусийлаштириш тартибиде, кооператив уй-жойга, квартирага, гаражга, чорбоққа ҳамда бошқа биноларга эса кооператив аъзоси пай бадалларини батамом тўлаб бўлгандан кейин вужудга келади.

Башарти, талаб қилинадиган рухсатнома бўлмаган тақдирда нотариус битимни расмийлаштирмайдди.

МУАММОНИ СУД ҲАЛ ҚИЛАДИ

Дарвоқе, фуқаро фақат ўзига қулай бўлишини эътиборга олган ҳолда ўзбошимчалик билан иморат қурди ҳам дейлик. Хўш, унда қурилишнинг ноқонунийлиги қандай эътироф этилади? Бунга ўхшаш муаммолар Фуқаролик кодексининг 212-моддасига биноан фақат суд орқали ҳал қилинади.

Ушбу моддада белгиланишича, иморат қурилган ер участкасининг мулкдори бўлган, унга умрбод мерос сифатида эғалик қиладиган ва фойдаланаётган шахснинг ҳам ўзбошимчалик билан қурилган иморатга нисбатан мулк ҳуқуқи суд томонидан эътироф

этилиши мумкин. Бундай ҳолларда иморатга нисбатан мулк ҳуқуқи эътироф этилган шахс иморат қурган шахснинг харажатларини суд белгилаган миқдорда қоплайди.

Ўзбошимчалик билан иморат қуриш натижасида ҳуқуқлари бузилган шахснинг ёки тегишли давлат органининг даъвоси билан бундай иморат суднинг қарорига биноан иморатни қурган шахс томонидан ёки унинг ҳисобидан бузиб ташланиши лозим. Иморатга нисбатан мазкур шахснинг ёки бу иморат қурилган ер участкаси фойдаланувчисининг мулк ҳуқуқи эътироф этиладиган ҳоллар бундан мустасно, албатта.

Шуни назарда тутиш кераки, ўзбошимчалик билан қурилган иморатни бузиш фақат суднинг қарорига биноан амалга оширилади.

Иморатни бузиш тўғрисидаги даъво билан мурожаат этишга мазкур иморат қуриш натижасида ҳуқуқи бузилган шахс ҳақлидир. Масалан, биринчи қаватда яшайдиган шахс ўз квартираси олдига гараж қурди, дейлик. Иккинчи қаватда яшайдиган қўшнис эса бундай қурилишга рози эмас. Чунки автомобилдан чиқадиган газ унинг деразаси орқали уйга киради ва ҳавони бузади. Шу боис ноқулайлик туғдирадиган гаражни бузиш ёки олиб ташлаш тўғрисида иккинчи қаватда яшайдиган қўшни даъво билан судга мурожаат қилиши мумкин бўлади.

Шунингдек, ён қўшнилар иморатни бир-бирининг деразасига яқин қурган ҳолларда ҳам икки томон ўрта-

сида «гап қочиши»ни кузатиш мумкин. Бири «Ўзимга тегишли ерда хоҳлаган қурилишни қиламан» деса, иккинчиси «бундай иморат эвазига турар жойимга табиий ёруғлик тушиши қийинлашди» дейди. Зеро, бундай вазиятда ҳам иккинчи қўшни судга мурожаат қилган ҳолда нохушликка нуқта қўйиши мумкин.

Дарвоқе, судга ушбу мазмундаги даъво билан нафақат фуқаролар, балки давлат органлари ҳам мурожаат этишга ҳақлидирлар. Бунда ўзбошимчалик билан қурилган иморат қаерда жойлашган бўлса, ўша жойдаги туман (шаҳар) ер тузиш, рўйхатдан ўтказиш ва кўчмас мулк кадастри хизмати давлат унитар корхонаси шундай даъво билан судга мурожаат этишга ҳақли ҳисобланади.

Ўзбошимчалик билан қурилган иморатларга мулк ҳуқуқи эътироф этилмаслиги билан бирга у бир қатор кўнгилсизликларга сабаб бўлиши ҳам мумкин. Яъни бундай иморатлар хавфсизлик қондалари, қурилиш нормалари ва сейсмик талабларга хилоф равишда қурилганлиги сабабли атрофда яшовчи ёки фаолият юритувчи шахслар ва улар мол-мулки учун хавф туғдиради. Фавқулодда ҳолатларда «Тез тиббий ёрдам», ўт ўчириш хизмати сингари бўлинмаларга қарашли махсус автотранспорт воситаларининг уйга яқин бориши, кўчада бемалол ҳаракатланишига халақит беради.

Мавлуда МАНСУРОВА, Шайхонтохур тумани 7-сон нотариал идораси нотариуси, Зуҳра МУСАЕВА, хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус.

ЎЗБЕКИСТОН ЯНГИЛИКЛАР

ҚОНУНЧИЛИГИДАГИ

● ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНЛАРИ:

- «Солиқ имтиёзлари тартибга солиниши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим қарорларига ўзгартишлар киритиш ҳамда баъзиларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида»;
- «Ўзбекистон Республикасида паспорт тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида».

● ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРЛАРИ:

- «Солиқ имтиёзлари тартибга солиниши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартиришлар киритиш ва баъзиларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида»;
- «Республика корхоналарида халқаро стандартларга мувофиқ бўлган сифатни бошқариш тизимларини жорий этишни кенгайтиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида».

● ИДОРАВИЙ-МЕЪЕРИЙ ҲУЖЖАТЛАР:

- ЎзР МВ, ДСҚнинг «Пахта толаси ва линтни экспортга ва республика корхоналарига реализация қилишда қўшилган қиймат солигини ҳисобварақ-фактураларда акс эттириш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори;

- ЎзР ИВ, МВ, ТИАИСВ, ДБҚнинг «Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кириладиган истеъмол товарларининг рўйхатига ўзгартириш киритиш тўғрисида»ги қарори;

- ЎзР Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси, МВ, ИВ, МББнинг «Қоғоз чиқиндиларини тўплаш, тайёрлаш ва қайта ишлаш учун етказиб бериш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори.

● МЕЪЕРИЙ-ҲУҚУҚИЙ ҲУЖЖАТЛАРНИ ДАВЛАТ РЎЙХАТИДАН ЎТКАЗИШ ҲОЛАТИ ТЎҒРИСИДА 2009 ЙИЛ 2 МАЙДАН 22 МАЙГАЧА БЎЛГАН МАЪЛУМОТ.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

СОЛИҚ ИМТИЁЗЛАРИ ТАРТИБГА СОЛИНИШИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ АЙРИМ ҚАРОРЛАРИГА ЎЗГАРТИШЛАР КИРИТИШ ҲАМДА БАЪЗИЛАРИНИ ЎЗ КУЧИНИ ЙЎҚОТГАН ДЕБ ҲИСОБЛАШ ТЎҒРИСИДА

(«Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами», 2009 йил, 25-сон, 282-модда)

«Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим фармонларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 27 февралдаги ПФ-4087-сон Фармонида мувофиқ ҳамда солиқ имтиёзларини тартибга солиш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг баъзи фармонларига 1-иловага мувофиқ ўзгартишлар киритилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим қарорлари 2-иловага мувофиқ ўз кучини йўқотган деб топилсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари билан берилган, муддатсиз характерга эга бўлган солиқ имтиёзлари 2009 йилнинг 1 июлидан бошлаб ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин, 3-иловада на-

зарда тутилган қарорлар бундан мустасно.

4. Белгилаб қўйилсинки, вақтинчалик характерга эга бўлган ва илгари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари билан берилган солиқ имтиёзлари уларнинг амал қилиш муддати тугагунга қадар сақланиб қолади.

5. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш.М.Мирзиёев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти
И.КАРИМОВ.**

Тошкент ш.,
2009 йил 17 июнь
ПФ-4116-сон.

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2009 йил 17 июндаги ПФ-4116-сон Фармонида
1-ИЛОВА

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ БАЪЗИ ФАРМОНЛАРИГА КИРИТИЛАДИГАН ЎЗГАРТИШЛАР

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарни ташкил этишни ва уларнинг фаолиятини рағбатлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 1996 йил 31 майдаги ПФ-1467-сон Фармонида:

2-банднинг биринчи хатбошидаги «ва имтиёзларнинг» сўзлари чиқариб ташлансин;

4-банд чиқариб ташлансин;

иловада:

сарлавҳадаги «ва имтиёзлар» сўзлари чиқариб ташлансин;

II бўлим чиқариб ташлансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Нефть ва газ конларини разведка қилиш ҳамда уларни қазиб чиқаришга бевосита хорижий сармояларни жалб этиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2000 йил 28 апрелдаги ПФ-2598-сон Фармонида:

а) 4-банднинг иккинчи хатбоши куйидаги тахрирда баён этилсин:

«геология-разведка ишларини ўтказиш даврида бюджетдан ташқари жамғармаларга барча турдаги солиқлар ва мажбурий ажратмаларни»;

б) 7-банд куйидаги тахрирда баён этилсин:

«7. Нефть ва газ конларини кидириш ва разведка қилиш ишларини амалга оширган хорижий компаниялар иштирокида ташкил этиладиган нефть ва газ қазиб чиқарувчи қўшма корхоналар нефть ёки газ қазиб олинишидан бошлаб 7 йил муддатга фойда солиғи тўлашдан озод қилинсин».

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Экспорт маҳсулоти ишлаб чиқарувчиларни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2000 йил 5 июндаги ПФ-2613-сон Фармонининг 1-банди куйидаги тахрирда баён этилсин:

«1. Экспорт қилувчи корхоналар учун фойда солиғи ва мулк солиғини тўлаш тартиби умумий сотиш ҳажмида ўзи ишлаб чиқарган ва эркин алмаштириладиган валютага сотилган товарлар, ишлар, хизматлар экспортидаги (ишлар бажарилган, хизматлар кўрсатилган жойдан қатъий назар) улушига боғлиқ ҳолда куйидагича белгилансин:

экспорт улуши 15 фоиздан 30 фоизгача миқдорда бўлганида — белгиланган фойда солиғи ва мулк солиғи ставкалари 30 фоизга камайтирилади;

экспорт улуши 30 ва ундан кўпроқ фоиз бўлганида — белгиланган фойда солиғи ва мулк солиғи ставкалари 50 фоизга камайтирилади.

Мазкур солиқ имтиёзи ягона солиқ тўловини ҳисоблаш чоғида микрофирмалар ва кичик корхоналарга тадбиқ этилсин».

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ишлаб чиқаришни модернизациялар, техник ва технологик қайта жиҳозлашни рағбатлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2007 йил 14 мартдаги ПФ-3860-сон Фармонида:

3-банддаги «ишлаб чиқариш микрофирмалари ва кичик корхоналари» деган сўзлар «юридик шахслар» сўзлари билан алмаштирилсин;

4-банднинг учинчи хатбоши куйидаги тахрирда баён этилсин:

«Технологик жиҳозлар харид (импорт) қилинган пайдан бошлаб уч йил ичида сотиб юборилган ёки текинга берилган бўлса, қайд этиб ўтилган солиқ имтиёзларининг амал қилиши бекор қилинади, бюджетга тегишли солиқлар тўлаш бўйича мажбуриятлар тикланади. Технологик жиҳозлар харид (импорт) қилинган пайдан бошлаб уч йил ичида сотиб юборилган ёки текинга берилган бўлса, божхона тўловлари бўйича имтиёзлар бекор қилинади ва бюджетга божхона тўловлари тўлаш бўйича мажбуриятлар тикланади».

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2009 йил 17 июндаги
ПФ-4116-сон Фармониغا
2-ИЛОВА

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ЎЗ КУЧИНИ ЙЎҚОТГАН ДЕБ ЭЪТИРОФ ЭТИЛГАН ҚАРОРЛАРИ РЎЙХАТИ

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Республикада деҳқон (фермер) хўжалиklarини янада мустаҳкамлаш ва тадбиркорлик фаолиятини давлат йўли билан қўллаб-қувватлаш тўғрисида» 1991 йил 29 ноябрдаги ПФ-295-сон Фармонининг 13-банди.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Яйлов чорвачилиги (қоракўлчилик, қўйчилик, уюр йилкичилиги ва туячилик) ходимларини ижтимоий жиҳатдан ҳимоя қилишнинг қўшимча тадбирлари тўғрисида» 1992 йил 7 январдаги ПФ-307-сон Фармонининг 1-банди.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасида ташқи иқтисодий фаолиятни рағбатлантириш, хорижий сармояларни жалб этиш ва ҳимоя қилиш чоралари тўғрисида» 1992 йил 24 июлдаги ПФ-445-сон Фармонининг 8-банди.

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Буюк Ипак йўлини қайта тиклашда Ўзбекистон Республикасининг иштирокини авж олдириш ва республикада халқаро туризмни ривожлантириш борасидаги чора-тадбирлар тўғрисида» 1995 йил 2 июндаги ПФ-1162-сон Фармонининг 3 ва 4-бандлари.

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Бозорларнинг фаолиятини ташкил этишни ва аҳолига хизмат кўрсатиш сифатини яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 1996 йил 5 мартдаги ПФ-1384-сон Фармонининг 3-банди.

6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини давлат йўли билан қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида» 1996 йил 3 апрелдаги ПФ-1416-сон Фармонининг 3-банди.

7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон фахрийларини ижтимоий қўллаб-қувватлаш «Нуроний» жамғармаси тўғрисида» 1996 йил 4 декабрдаги ПФ-1655-сон Фармонининг 7-банди.

8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Кичик ва ўрта тадбиркорликни ривожлантиришни рағбатлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 1997 йил 31 январдаги ПФ-1702-сон Фармонининг 5-банди.

9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Деҳқон ва фермер хўжалиklarини давлат йўли билан қўллаб-қувватлаш ҳамда мамлакатни озиқ-овқат билан таъминлашда уларнинг ролини кучайтириш борасидаги чора-тадбирлар тўғрисида» 1997 йил 18 мартдаги ПФ-1737-сон Фармонининг 7-банди.

10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Хусусий тижорат банklarини ташкил қилишни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» 1997 йил 24 апрелдаги ПФ-1749-сон Фармони 1-бандининг тўртинчи хатбоши.

11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Инвестиция лойиҳаларини амалга оширишни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 1998 йил 19 январдаги ПФ-1919-сон Фармони.

12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Хусусий тадбиркорлик, кичик бизнесни ривожлантиришни янада рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» 1998 йил 9 апрелдаги ПФ-1987-сон Фармонининг 3-банди.

13. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Инвестиция лойиҳаларини амалга оширишни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 1998 йил 19 январдаги ПФ-1919-сон Фармониغا ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида» 1998 йил 25 майдаги ПФ-1998-сон Фармони.

14. «Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1998 йил 19 январдаги «Инвестиция лойиҳаларини амалга оширишни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ-1919-сон Фармониға қўшимчалар киритиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1998 йил 3 августдаги ПФ-2065-сон Фармони.

15. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчилари учун ягона ер солиғини жорий этиш тўғрисида» 1998 йил 10 октябрдаги ПФ-2086-сон Фармони.

16. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш давлат дастури тўғрисида» 1998 йил 10 ноябрдаги

ПФ-2107-сон Фармони 13-бандининг иккинчи хатбоши.

17. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Жисмоний шахсларнинг даромадларини солиққа тортиш шкаласини такомиллаштириш тўғрисида» 2000 йил 26 декабрдаги ПФ-2793-сон Фармони.

18. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Сугурта бозорини янада эркинлаштириш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2002 йил 31 январдаги ПФ-3022-сон Фармонининг 3-банди.

19. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Лизинг фаолиятини ривожлантиришни янада рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2002 йил 28 августдаги ПФ-3122-сон Фармони.

20. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Истиқболли ёш педагог ва илмий кадрлар малакасини ошириш ва тажриба алмашув тизимини такомиллаштириш тўғрисида» 2003 йил 1 июлдаги ПФ-3272-сон Фармони 6-бандининг иккинчи хатбоши.

21. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2004 — 2006 йилларда фермер хўжалиklarини ривожлантириш концепцияси тўғрисида» 2003 йил 27 октябрдаги ПФ-3342-сон Фармонининг 10-банди.

22. Ўзбекистон Республикаси Президентининг баъзи фармонларига ўзгартишлар киритиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2004 йил 8 январдаги ПФ-3376-сон Фармони иловасининг 5 ва 13-бандлари.

23. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Микрофирмалар ва кичик корхоналарни ривожлантиришни рағбатлантириш борасидаги кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2005 йил 20 июндаги ПФ-3620-сон Фармони.

24. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Йирик саноат корхоналари билан касаначиликни ривожлантириш асосидаги ишлаб чиқариш ва хизматлар ўртасида кооперацияни кенгайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2006 йил 5 январдаги ПФ-3706-сон Фармони 5-бандининг иккинчи хатбоши.

25. «Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчилари учун ягона ер солигини жорий этиш тўғрисида» 1998 йил 10 октяб-

рдаги ПФ-2086-сон Фармонига кўшимчалар киритиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 17 апрелдаги ПФ-3741-сон Фармони.

26. «Ўзбекистон Республикаси Президентининг баъзи фармонларига ўзгартишлар киритиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 7 июлдаги ПФ-3771-сон Фармонининг 1 ва 4-бандлари.

27. «Ўзбекистон Республикаси Президентининг баъзи фармонларига ўзгартиш ва кўшимчалар киритиш, шунингдек айрим ҳужжатларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 6 февралдаги ПФ-3850-сон Фармони 1-иловасининг 2-банди.

28. «Ўзбекистон Республикаси Президентининг баъзи ҳужжатларига ўзгартиш ва кўшимчалар киритиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 5 июндаги ПФ-3883-сон Фармони иловасининг 1 — 4-бандлари.

29. «Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчилари учун ягона ер солигини жорий этиш тўғрисида» 1998 йил 10 октябрдаги ПФ-2086-сонли Фармонига ўзгартишлар киритиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 19 июндаги ПФ-3886-сон Фармони.

30. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистонда фуқаролик жамияти институтларини ривожлантиришга кўмаклашиш борасидаги чора-тадбирлар тўғрисида» 2005 йил 23 июндаги ПҚ-107-сон қарорининг 6-банди.

31. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Фуқаролик жамияти институтларини давлат томонидан қўллаб-қувватлашга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2006 йил 7 июлдаги ПҚ-404-сон қарори 2-бандининг иккинчи хатбоши.

32. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Банкларнинг капиталлашувини янада ошириш ва иқтисодиётни модернизациялашдаги инвестиция жараёнларида уларнинг иштирокини фаоллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2007 йил 12 июлдаги ПҚ-670-сон қарорининг 6-банди.

Ўзбекистон Республикаси

Президентининг 2009 йил 17 июндаги ПФ-4116-сон Фармонига
3-ИЛОВА

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ СОЛИҚ ИМТИЁЗЛАРИ БЕРАДИГАН, МУДДАТСИЗ ХАРАКТЕРГА ЭГА БЎЛГАН ВА ЎЗИНИНГ АМАЛ ҚИЛИШINI САҚЛАБ ҚОЛАДИГАН ҚАРОРЛАРИ РЎЙХАТИ

1. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Давлат чегарасига туташ ҳудудларда ердан фойдаланишни тартибга солиш тўғрисида» 1994 йил 26 сентябрдаги 480-сон қарори 4-бандининг иккинчи хатбоши.

2. Вазирлар Маҳкамасининг «Халқаро илмий-техникавий алоқаларни ривожлантиришни, халқаро ва хорижий ташкилотлар ва жамғармалар грантлари бўйича илмий дастурлар ва лойиҳаларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тўғрисида» 1998 йил 19 январдаги 31-сон қарорининг 2-банди.

3. Вазирлар Маҳкамасининг «Халқаро рейсларда йўловчиларни овқатлантириш учун «Ўзбекистон ҳаво йўллари» Миллий авиакомпанияси ва унинг бўлинмалари томонидан келтириладиган товарларни олиб кириш тартиби тўғрисида» 1999 йил 6 майдаги 222-сон қарорининг 1-банди.

4. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси конларида суюқ углеводородлар қазиб чиқаришни кўпайтириш тўғрисида» 1999 йил 2 июлдаги 322-сон қарорининг 3-банди.

5. Вазирлар Маҳкамасининг «Ватан ва халқ озодлиги йўлида қурбон бўлган фидойилар хотирасини абадийлаштириш тўғрисида» 1999 йил 22 июлдаги 358-сон қарори 4-бандининг учинчи хатбоши.

6. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекэнерго» Давлат-ак-

циядорлик компанияси фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2001 йил 24 февралдаги 93-сон қарори 4-бандининг тўртинчи хатбоши.

7. Вазирлар Маҳкамасининг «Аҳолига коммунал хизмат кўрсатишни такомиллаштиришга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2001 йил, 4-сон, 23-модда) 2001 йил 18 апрелдаги 178-сон қарори 2-бандининг иккинчи хатбоши.

8. Вазирлар Маҳкамасининг «Кўмир таннархини пасайтириш ва кўмир саноатини янада ривожлантиришга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2003 йил 7 августдаги 345-сон қарори 6-бандининг учинчи хатбоши.

9. Вазирлар Маҳкамасининг «Паст рентабелли, зарар кўриб ишлаётган, иқтисодий ночор давлат корхоналарини ва объектларни хусусийлаштиришни жадаллаштиришга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2003 йил, 8-сон, 78-модда) 2003 йил 26 августдаги 368-сон қарори 3-бандининг олтинчи хатбоши.

10. Вазирлар Маҳкамасининг «Корхоналарда халқаро стандартларга мувофиқ бўлган сифатни бошқариш тизимларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида» (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2004 йил, 7-сон, 73-модда) 2004 йил 22 июлдаги 349-сон қарорининг 4 ва 5-бандлари.

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ПАСПОРТ ТИЗИМИНИ ЯНАДА
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА***

(«Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами», 2009 йил, 26-сон, 294-модда)

Халқаро фуқаро авиацияси тўғрисидаги Чикаго конвенцияси (1944 йил декабрь) ва Халқаро фуқаро авиацияси ташкилотининг (ИКАО) Монреаль Ассамблеясининг 2004 йилдаги қарори (резолүцияси)га мувофиқ ушбу ташкилотга аъзо давлатлар 2010 йилдан кечиктирмай эгаларининг шахсий биометрик параметрлари ва белгиланган маълумотлари ҳақида электрон ахборот жамланган ҳамда юқори химоя даражасига эга фуқаро паспортларининг жорий этилишини таъминлаши шарт.

Биометрик маълумотларга эга паспортлар халқаро фуқаро аэронавигацияси хавфсизлигини таъминлаш, шахсни тасдиқловчи ҳужжатларнинг қалбакилаштиришга қарши химоя даражасини ошириш, Давлат чегарасидан ўтишда шахсни тезкор ва аниқ идентификациялаш механизмларини такомиллаштириш, халқаро авиаташишлар сифати ва самарадорлигини ошириш мақсадида жорий этилмоқда.

Ҳозиргача дунёнинг 100 дан ортиқ мамлакатда замонавий ахборот технологиялари ёрдамида тайёрланган биометрик параметрли паспортлар жорий этилган.

ИКАО аъзоси бўлган Ўзбекистон Республикасида авиаташишлар хавфсизлигини таъминлаш, авиация техникасининг ишончилигини ва халқаро бозордаги рақобатбардошлилигини ошириш, авиатранспорт хизматларидан фойдаланувчи йўловчилар учун максимал қулайликлар яратиш, аэропортлар инфратузилмасини ривожлантириш, ушбу соҳада кадрлар тайёрлаш ва бошқа тадбирлар борасида тизимли ва изчил иш олиб борилмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикаси фуқаролиги тўғрисида»ги Қонунига мувофиқ ва замонавий халқаро андозалар ҳамда талабларни ҳисобга олган ҳолда, миллий паспорт тизимини янада такомиллаштириш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, Ички ишлар вазирлиги, Миллий хавфсизлик хизматининг 2010 йил 1 январдан Ўзбекистонда эгаларининг биометрик маълумотлари бўлган Ўзбекистон Республикаси фуқароси паспортини (бундан буён биометрик паспорт деб юритилади) жорий этиш тўғрисидаги таклифларига розилик берилсин.

2. Аҳолининг амалдаги Ўзбекистон Республикаси фуқароси паспортини биометрик паспортга босқичма-босқич алмаштириш тартиби тасдиқлансин:

биринчи босқич (2010 йил) — республика вазирликлари, идоралари ва муассасалари хизматчиларига, хорижга чиқаётган ёки чет элдаги жисмоний шахсларга, шунингдек, муайян ёшга тўлган ёки қонунчиликда кўзда тутилган бошқа сабабларга кўра паспорт олаётган фуқароларга;

иккинчи босқич (2011 — 2015 йиллар) — қонунчиликда белгиланган тартиб бўйича Ўзбекистон Республикасининг барча фуқароларига.

3. Биометрик паспортларни марказлашган ҳолда тайёрлаш ва уларнинг ҳисобини самарали юритиш, Ўзбекистон Республикаси фуқароларини мазкур паспортлар билан ўз вақтида таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида Давлат персоналлаштириш маркази (ДПМ) ташкил этилсин, марказ биометрик паспортлар бланкаларини тайёрловчи Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг «Давлат белгиси» давлат ишлаб чиқариш бирлашмаси (ДИБ) ҳудудида жойлаштирилсин.

4. Белгилаб қўйилсинки:

паспорт олиш учун муружаат этган шахслар бўйича белгиланган маълумотлар ва биометрик параметрларни тўплаш, ушбу маълумотларни ДПМга юбориш, Ўзбекистон Республикаси фуқароларига биометрик паспортларнинг ўз вақтида берилишини таъминлаш Ўзбекистон Республикаси ИИВнинг Хорижга чиқиш-келиш ва фуқароликни расмийлаштириш бошқармасининг бўлинмаларига ва Ўзбеки-

стон Республикаси ТИВнинг хориждаги консуллик муассасаларига юкланади;

фуқаролар томонидан Ўзбекистон Республикаси Давлат чегарасидан ўтиш пайтида паспортларда кўрсатилган биометрик параметрларга биноан шахсни идентификация қилиш Ўзбекистон Республикаси МХХ Давлат чегараларини химоя қилиш кўмитасининг чегара назорати бўлинмалари томонидан амалга оширилади.

5. Вазирлар Маҳкамаси ўрнатилган тартибда қуйидагиларни ишлаб чиқсин ва тасдиқласин:

бир ой ичида — Давлат персоналлаштириш маркази тўғрисидаги низомни;

икки ой ичида — ушбу Фармон талабларини ҳисобга олган ҳолда, Ўзбекистон Республикасида паспорт тизими тўғрисидаги низомнинг янги таҳририни.

6. Ички ишлар вазирлиги, Ташқи ишлар вазирлиги, Миллий хавфсизлик хизмати мамлакат фуқароларини биометрик паспортлар билан таъминлаш тизими самарали амал қилишини таъминлаш мақсадида ИИВ, ТИВ, МХХнинг тегишли бўлинмаларини 1 ва 2-иловаларга** мувофиқ, замонавий жиҳозлар билан таъминласин.

7. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бир ой муддатда ДПМнинг «Давлат белгиси» ДИБ ҳудудида жойлаштирилиши ва жиҳозланишини, ажратилган бинонинг капитал ва жорий таъмирланишини, зарур ташкилий техника, офис мебелли, алоқа воситалари ва марказнинг самарали фаолияти учун зарур бўлган бошқа моддий-техник воситалар билан таъминласин.

8. Ички ишлар вазирлиги, Ташқи ишлар вазирлиги, Миллий хавфсизлик хизмати, Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги республиканинг бошқа манфаатдор вазирликлари ва идоралари билан биргаликда:

бир ой муддатда хорижий тажрибани чуқур таҳлил қилган ҳолда ва техник-иқтисодий асосларга мувофиқ ДПМнинг ишлаб чиқариш моддий-техник базасини шакллантиришга доир дастур ишлаб чиқсин ва унинг 2009-2010 йилларда амалга оширилишини таъминласин;

Ўзбекистон Республикаси фуқароларини биометрик паспортлар билан таъминлаш бўйича ташкил этилаётган тизимнинг самарали ишлашини таъминлаш ва унга хизмат кўрсатадиган юқори малакали кадрлар тайёрлашни изчиллик асосида ташкил этсин.

9. Молия ва Иқтисодиёт вазирликлари бир ой муддатда Ўзбекистонда биометрик паспортларни жорий этиш бўйича лойиҳани молиялаштириш масаласини ишлаб чиқсин ва кўриб чиқиш учун ўрнатилган тартибда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

10. Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги ўрнатилган тартибда хорижий давлатлар ҳукуматларини, Халқаро фуқаро авиацияси ташкилотини ва Халқаро стандартлаштириш ташкилотини Ўзбекистонда миллий паспорт тизимини такомиллаштириш бўйича амалга оширилаётган тадбирлар тўғрисида хабардор қилсин.

11. Адлия вазирлиги манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан ҳамкорликда икки ой муддатда ушбу Фармон талабларини ҳисобга олган ҳолда, амалдаги меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш бўйича ўрнатилган тартибда таклифлар киритсин.

12. Ушбу Фармон ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш.Мирзиёев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти
И.КАРИМОВ.**

Тошкент ш.,
2009 йил 23 июнь
ПФ-4117-сон.

*Ушбу Фармон «Халқ сўзи» газетасининг 2009 йил 24 июндаги 125 (4788)-сонидан эълон қилинган.

**1-2-иловалар берилмайди.

**СОЛИҚ ИМТИЁЗЛАРИ ТАРТИБГА СОЛИНИШИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ЎЗБЕКИСТОН
РЕСПУБЛИКАСИ ҲУКУМАТИНИНГ АЙРИМ ҚАРОРЛАРИГА ЎЗГАРТИРИШЛАР
КИРИТИШ ВА БАЪЗИЛАРИНИ ЎЗ КУЧЕНИ ИЎҚОТГАН ДЕБ ҲИСОБЛАШ ТЎҒРИСИДА**

(«Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами», 2009 йил, 25-сон, 288-модда)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим Фармонларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» 2009 йил 27 февралдаги ПФ-4087-сон Фармони бажариш юзасидан ҳамда солиқ имтиёзларини тартибга солиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1-иловага мувофиқ айрим қарорларига ўзгартиришлар киритилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг

2 ва 3 (махфий) иловаларга мувофиқ баъзи қарорлари ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

3. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Р.С.Азимов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти
И.КАРИМОВ.**

Тошкент ш.,
2009 йил 17 июнь
168-сон.

Вазирлар Маҳкамасининг
2009 йил 17 июндаги 168-сон қарорига
1-ИЛОВА

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ АЙРИМ ҚАРОРЛАРИГА КИРИТИЛАЁТГАН
ЎЗГАРТИРИШЛАР**

1. Вазирлар Маҳкамасининг «Ёқилғи-энергетика ресурсларидан фойдаланиш қоидаларини бузганлик учун иқтисодий жазоларни қўллаш тўғрисида» 1994 йил 9 мартдаги 124-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 1994 й., 3-сон, 15-модда) 3-бандидаги «кейинчалик солиқ солинимасдан» сўзлари чиқариб ташлансин.

2. Вазирлар Маҳкамасининг «Тижорат банкларининг кичик тадбиркорликни ривожлантиришда қатнашишини рағбатлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2000 йил 19 майдаги 195-сон қарорининг (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2000 й., 5-сон, 25-модда) 2-бандида: иккинчи хатбошидаги «даромад (фойда)» сўзлари «фойда» сўзи билан алмаштирилсин; учинчи хатбоши чиқариб ташлансин.

3. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикасида гольфни ривожлантириш ва оммалаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2000 йил 26 майдаги 204-сон қарориди:

7-банд чиқариб ташлансин;

8-банддаги «уларни давлат божи тўлашдан озод қилган ҳолда» сўзлари чиқариб ташлансин.

4. Вазирлар Маҳкамасининг «Аҳолига коммунал хизмат кўрсатишни такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2001 йил 18 апрелдаги 178-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2001 й., 4-сон, 23-модда) 2-бандининг иккинчи хат бошидаги «белгиланган йиғимлар ва тўловлардан» сўзлари «давлат божидан» сўзлари билан алмаштирилсин.

5. Вазирлар Маҳкамасининг «Кўмир таннархини пасайтириш ва кўмир саноатини янада ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2003 йил 7 августдаги 345-сон қарори 6-бандининг учинчи хатбошидаги «даромад (фойда)» сўзлари «фойда» сўзи билан алмаштирилсин.

6. Вазирлар Маҳкамасининг «Паст рентабелли, зарар кўриб ишлаётган, иқтисодий ночор давлат корхоналарини ва объектларни хусусийлаштиришни жадаллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2003 йил 26 августдаги 368-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2003 й., 7-сон, 78-модда) 3-бандининг иккинчи хатбошидаги «бунда инвестор томонидан инвестиция мажбуриятларини бажариш учун қўшилаётган пул маблағлари, моддий бойликлар ва бошқа активларга фойда солиғи солинимайди» сўзлари чиқариб ташлансин.

7. Вазирлар Маҳкамасининг «Корхоналарда халқаро стандартларга мувофиқ бўлган сифатни бошқариш тизимларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2004 йил 22 июлдаги 349-сон қарорининг 4-банди (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2004 й., 7-сон, 73-модда) қуйидаги тахрирда баён қилинсин:

«4. Белгилансинки, фойда солиғини ҳисоблашда юридик шахсларнинг солиқ солинадиган фойдаси сифатни бошқариш тизимлари жорий этилиши ва уларни қўллаб-қувватлашга йўналтириладиган инвестициялар суммасига қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда камайтирилади».

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ
ҚАРОРИ

**РЕСПУБЛИКА КОРХОНАЛАРИДА ХАЛҚАРО СТАНДАРТЛАРГА МУВОФИҚ БЎЛГАН
СИФАТНИ БОШҚАРИШ ТИЗИМЛАРИНИ ЖОРИЙ ЭТИШНИ КЕНГАЙТИРИШГА ДОИР
ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА**

(«Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами», 2009 йил, 26-сон, 297-модда)

Мамлакатимиз корхоналари томонидан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар ва кўрсатилаётган хизматларнинг рақобатбардошлигини ошириш, уларнинг экспорт салоҳиятини кўпайтириш ва республика корхоналарида халқаро стандартларга мувофиқ бўлган сифатни бошқариш тизимларини жорий этиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси

қарор қилади:

1. Сифатни бошқариш тизимларини жорий этишни мувофиқлаштириш бўйича махсус ишчи гуруҳнинг янгиланган таркиби 1-иловага* мувофиқ тасдиқлансин.

Қуйидагилар Махсус ишчи гуруҳнинг асосий вазифалари этиб белгилансин:

республика корхоналарида халқаро стандартларга мувофиқ бўлган сифатни бошқариш тизимларини жорий

*1-3-иловалар «Норма маслаҳатчи»да берилмайди.

этиш ишларини мувофиқлаштириш ва уларни ўз вақтида сертификатлаштириш;

ишлаб чиқарувчи корхоналарда халқаро стандартларга мувофиқ бўлган сифатни бошқариш тизимларини ўз вақтида ишлаб чиқиш, жорий этиш ва сертификатлаштириш билан боғлиқ жараёнларнинг тизимли мониторингини олиб бориш;

халқаро стандартларга мувофиқ бўлган сифатни бошқариш тизимларини жорий этган ишлаб чиқарувчи корхоналарни рағбатлантиришга доир таклифлар ишлаб чиқиш.

2. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, хўжалик бирлашмалари ва корхоналарнинг халқаро стандартларга мувофиқ бўлган сифатни бошқариш тизимларини 2011 йил 1 январгача жорий этиш тўғрисидаги 2-иловага* мувофиқ таклифларига розилик берилсин.

Махсус ишчи гуруҳга, зарурият бўлганда, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, бошқа манфаатдор давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг, шунингдек республика корхоналарининг таклифлари асосида ушбу қарорга 2-иловага ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳуқуқи берилсин.

3. «Ўзстандарт» агентлиги Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда икки ой муддатда 3-иловада* кўрсатилган корхоналар фаолиятини таҳлил қилиш асосида 2011 йил 1 январгача халқаро стандартларга мувофиқ бўлган сифатни бошқариш тизимларини жорий этиш истиқболига эга бўлган корхоналарнинг аниқ рўйхатини тасдиқлаш учун Сифатни бошқариш тизимларини жорий этишни мувофиқлаштириш бўйича махсус ишчи гуруҳга киритсин.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари Махсус ишчи гуруҳнинг улар юзасидан ижобий қарорлари қабул қилинган минтақавий корхоналар бўйича халқаро стандартларга мувофиқ бўлган сифатни бошқариш тизимларини босқичма-босқич ишлаб чиқиш, жорий этиш ва сертификатлаштиришга доир минтақавий тадбирларни тасдиқласинлар.

4. Вазирлар Маҳкамаси Комплекслари:

икки ҳафта муддатда ушбу қарорга 2-иловага киритилган корхоналар бўйича халқаро стандартларга мувофиқ бўлган сифатни бошқариш тизимларини босқичма-босқич ишлаб чиқиш, жорий этиш ва сертификатлаштиришга доир тармоқ тадбирларини тасдиқласинлар;

халқаро стандартларга мувофиқ бўлган сифатни бошқариш тизимларини жорий этиш ва сертификатлаштириш амалга оширилиши таҳлиliga бағишланган масалаларни Комплексларнинг чораклик мажлисларида мунтазам равишда кўриб чиқсинлар;

бошқарувнинг барча даражаларида иш якунларини чиқаришда халқаро стандартларга мувофиқ бўлган сифатни бошқариш тизимларини жорий этиш бўйича кўрсаткичлардан раҳбарлар ишларини баҳолаш мезонларидан бири сифатида фойдалансинлар.

5. Белгилансинки:

халқаро стандартларга мувофиқ бўлган сифатни бошқариш тизимларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш учун тегишли малакага эга бўлган маслаҳатчини жалб этиш очиқ танлов асосида амалга оширилади;

халқаро стандартларга мувофиқ бўлган сифатни бошқариш тизимларини сертификатлаштириш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда аккредитация қилинган сертификатлаштириш органлари томонидан амалга оширилади;

давлат эҳтиёжлари учун маҳсулотлар харид қилиш юзасидан тендер савдолари ўтказишда бошқа тенг шартшароитларда устунлик сифатни бошқаришнинг сертификатлаштирилган тизимига эга бўлган мамлакатимиз маҳсулот етказиб берувчиларига берилади.

6. Вазирлар Маҳкамасининг «Корхоналарда халқаро стандартларга мувофиқ бўлган сифатни бошқариш тизимларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2004 йил 22 июлдаги 349-сон қарорига мувофиқ фойда солигини ҳисоблашда юридик шахсларнинг солиқ солинадиган фойдаси қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда сифатни бошқариш тизимларини жорий этишга ва қўллаб-қувватлашга йўналтирилган инвестициялар суммасига камайтирилиши маълумот учун қабул қилинсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги ҳамда Давлат божхона кўмитаси Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб киришда импорт бўйича божхона божи ва қўшилган қиймат солиғи тўлашдан озод қилинадиган технологик асбоб-ускуналар, бутловчи буюмлар ва эҳтиёт қисмлар рўйхатига лаборатория тадқиқотларида ва маҳсулотларни тестдан ўтказишда фойдаланиладиган асбоб-ускуналар, шунингдек бутловчи буюмлар ва уларга эҳтиёт қисмларни бир ой муддатда, белгиланган тартибда киритсинлар.

8. «Ўзстандарт» агентлиги халқаро сифат стандартларини жорий этган корхоналар реестрининг оммавий ахборот воситаларида мунтазам равишда эълон қилиб борилишини таъминласин.

9. Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси ва Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги ишлаб чиқаришларда халқаро стандартларга мувофиқ бўлган сифатни бошқариш тизимларини жорий этиш бўйича корхоналар тажрибасини ҳар ойда оммавий ахборот воситаларида ёритиб борсинлар.

10. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг 4-иловага мувофиқ айрим қарорлари ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

11. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш.М.Мирзиёев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти
И.КАРИМОВ.**

Тошкент ш.,
2009 йил 19 июнь
173-сон.

Вазирлар Маҳкамасининг
2009 йил 19 июндаги 173-сон қарорига
4-ИЛОВА

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҲУКУМАТИНИНГ ЎЗ КУЧИНИ ЙЎҚОТГАН ҚАРОРЛАРИ РЎЙХАТИ

1. Вазирлар Маҳкамасининг «Корхоналарда халқаро стандартларга мувофиқ бўлган сифатни бошқариш тизимларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2004 йил 22 июлдаги 349-сон қарорининг (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2004 й., 7-сон, 73-модда) 2-банди, 3-бандининг иккинчи — олтинчи хатбоши.

2. Вазирлар Маҳкамасининг «Корхоналарда халқаро

стандартларга мувофиқ бўлган сифатни бошқариш тизимларини жорий этиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2006 йил 29 августдаги 183-сон қарори.

3. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек баъзиларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида (Ўзбекистон Республикаси

Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ижро этувчи тузилмасини такомиллаштириш тўғрисида» 2007 йил 12 мартдаги ПҚ-601-сон ҳамда «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ижро этувчи тузилмасини тасдиқлаш тўғрисида» 2007 йил 22 мартдаги ПҚ-607-сон қарорлари» 2007 йил 11 майдаги 96-сон қарорига (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2007 й., 5-сон, 26-модда) 1-илованинг 11-банди.

4. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Хукуматининг айрим қарорларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ижро этувчи тузилмасини қисман ўзгартириш тўғрисида» 2008 йил 8 августдаги 174-сон қарори)» 2008 йил 20 сентябрдаги 213-сон қарорига илованинг 8-банди.

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ,
ДАВЛАТ СОЛИҚ ҚЎМИТАСИНИНГ
ҚАРОРИ**

**ПАХТА ТОЛАСИ ВА ЛИНТНИ ЭКСПОРТГА ВА РЕСПУБЛИКА КОРХОНАЛАРИГА
РЕАЛИЗАЦИЯ ҚИЛИШДА ҚЎШИЛГАН ҚИЙМАТ СОЛИҒИНИ ҲИСОБВАРАҚ-
ФАКТУРАЛАРДА АКС ЭТТИРИШ ТАРТИБИ ТЎҒРИСИДАГИ НИЗОМНИ ТАСДИҚЛАШ
ҲАҚИДА***

**Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2009 йил
26 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1974.**

(«Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами», 2009 йил, 26-сон, 307-модда)

Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2007 й., 12-сонга 1-илова), Ўзбекистон Республикаси «Давлат солиқ хизмати тўғрисида»ги Қонуннинг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 йил, 9-сон, 232-модда) 7-моддаси, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 21 апрелдаги «Тўқимачилик саноати корхоналарини молиявий соғломлаштириш ва уларга пахта толаси сотиш механизмини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-330-сон (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2006 йил, 17-сон, 138-модда) ва 2006 йил 29 августдаги «Пахта толасини сотиш ва унинг учун ҳисоб-китоб қилиш механизмини тартибга солиш тўғрисида»ги ПҚ-456-сон (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2006 йил, 36-сон, 359-модда) қарорларига Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитаси **қарор қилади:**

1. Пахта толаси ва линтни экспортга ва республика корхоналарига реализация қилишда қўшилган қиймат солиғини ҳисобварақ-фактураларда акс эттириш тартиби тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Қуйидагилар ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин: Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат Солиқ қўмитасининг 2006 йил 12 майдаги 44 ва 2006-26-сон «Пахта толасини Ўзбекистон Республикаси товар-хом ашё биржаси орқали республика корхоналарига сотишда қўшилган қиймат солиғини ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори (2006 йил 15 июнь, рўйхат рақами 1583 — Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2006 йил, 24-сон, 222-модда);

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат Солиқ қўмитасининг 2006 йил 7 декабрда 99 ва 2006-48-сон «Пахта толасини Ўзбекистон Республикаси товар-хом ашё биржаси орқали республика корхоналарига сотишда қўшилган қиймат солиғини ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги қарори (2006 йил 25 декабрь, рўйхат рақами 1583-1 — Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2006 йил, 51-52-сон, 521-модда).

3. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кун ўтгандан кейин кучга қиради.

**Молия вазири
Р.АЗИМОВ.
50-сон**

**Давлат солиқ
қўмитаси раиси
Б.ПАРПИЕВ.
2009-19-сон**

Тошкент ш., 2009 йил 1 май.

*2009 йил 6 июлдан кучга қиради.

Молия вазирлиги, Давлат солиқ
қўмитасининг 2009 йил 1 майдаги 50, 2009-19-сон қарорига
ИЛОВА

**ПАХТА ТОЛАСИ ВА ЛИНТНИ ЭКСПОРТГА ВА РЕСПУБЛИКА КОРХОНАЛАРИГА РЕАЛИЗАЦИЯ ҚИЛИШДА
ҚЎШИЛГАН ҚИЙМАТ СОЛИҒИНИ ҲИСОБВАРАҚ-ФАКТУРАЛАРДА АКС ЭТТИРИШ
ТАРТИБИ ТЎҒРИСИДА
НИЗОМ**

Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2007 й., 12-сонга 1-илова), Ўзбекистон Республикаси «Давлат солиқ хизмати тўғрисида»ги Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 й., 9-сон, 232-модда) 7-моддаси, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 21 апрелдаги ПҚ-330-сон «Тўқимачилик саноати корхоналарини молиявий соғломлаштириш ва уларга пахта

толаси сотиш механизмини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2006 й., 17-сон, 138-модда) ва 2006 йил 29 августдаги ПҚ-456-сон «Пахта толасини сотиш ва унинг учун ҳисоб-китоб қилиш механизмини тартибга солиш тўғрисида»ги (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2006 й., 36-сон, 359-модда) қарорларига мувофиқ пахта толаси ва линтни республика корхоналарига ва Ўзбекистон Республикаси товар-хом ашё

биржаси ва Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлигининг ташқи савдо компаниялари орқали экспортга реализация қилишда қўшилган қиймат солиғини ҳисобварақ-фактураларда акс эттириш тартибини белгилайди.

I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1. Пахта толаси ва линтни (кейинги ўринларда пахта толаси деб аталади) экспортга ва пахта толасини қайта ишловчи республика корхоналарига (кейинги ўринларда республика корхоналари деб аталади) реализация қилиш Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлигининг ташқи савдо компаниялари (кейинги ўринларда ТИАИСВ компаниялари деб аталади) ва Ўзбекистон Республикаси товар-хом ашё биржаси валюта майдончаси (кейинги ўринларда ЎзРТХБ деб аталади) орқали чет эл валютасида амалга оширилади.

Республиканинг айрим тармоқларидаги корхоналарига Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорига кўра пахта толаси «Пахтасаноат» худудий акциядорлик бирлашмалари (кейинги ўринларда «Пахтасаноат» ХАБ деб аталади) билан тузиладиган тўғридан-тўғри шартномалар бўйича реализация қилиниши мумкин.

2. Пахта толасини экспортга ва республика корхоналарига ТИАИСВ компаниялари ва ЎзРТХБ орқали реализация қилиш ва пахта толаси учун ҳисоб-китоблар республика корхоналари томонидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 29 августдаги ПҚ-456-сон «Пахта толасини сотиш ва унинг учун ҳисоб-китоб қилиш механизмини тартибга солиш тўғрисида»ги (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2006 й., 36-сон, 359-модда) қарорига мувофиқ амалга оширилади.

II. ПАХТА ТОЛАСИНИ «ПАХТАСАНОАТ» ХАБГА РЕАЛИЗАЦИЯ ҚИЛИШДА ПАХТА ТОЗАЛАШ ЗАВОДЛАРИ ТОМОНИДАН ҲИСОВВАРАҚ-ФАКТУРАЛАРДА ҚЎШИЛГАН ҚИЙМАТ СОЛИҒИ СУММАЛАРИНИ АКС ЭТТИРИШ ТАРТИБИ

3. Пахта тозалаш заводлари томонидан пахта толасини «Пахтасаноат» ХАБга реализация қилиш кондичион оғирликда улгуржи прејскурант нархларда:

республика корхоналарига реализация қилиш учун мўлжаллангани — қўшилган қиймат солиғининг 20% ставкаси қўлланилган ҳолда;

экспортга реализация қилиш учун мўлжаллангани — қўшилган қиймат солиғини ноль даражали ставкаси қўлланилган ҳолда амалга оширилади.

4. Ҳисовварақ-фактуралар пахта тозалаш заводлари томонидан пахта толаси бўйича «Пахтасаноат» ХАБнинг нарядлари асосида ёзилади.

Кейинчалик республика корхоналарига реализация қилиш учун мўлжалланган пахта толаси бўйича ва кейинчалик экспортга реализация қилиш учун мўлжалланган пахта толаси бўйича ҳисовварақ-фактураларни пахта тозалаш заводлари томонидан тўлдириш шакллари ва мисоллари мазкур Низомнинг 1 ва 1а-иловаларида келтирилган.

5. Пахта тозалаш заводларига пахта толасини экспортга етказиб беришда ноль даражали ставкани қўллаш натижасида ҳосил бўлган қўшилган қиймат солиғининг ортиқча суммасини қайтариб бериш Солиқ тўловчиларга ноль даражали ставкани қўллаш натижасида ҳосил бўлган қўшилган қиймат солиғининг ортиқча суммасини қайтариш тўғрисидаги низомда (2008 йил 16 май, рўйхат рақами 1807 — Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 йил, 20-21-сон, 180-модда) белгиланган тартибда амалга оширилади.

Бунда, пахта толасини экспортга реализация қилинганлиги тасдиғи сифатида пахта тозалаш заводлари «Пахтасаноат» ХАБнинг нарядини ва ушбу наряд асосида ёзилган ҳисовварақ-фактурани тақдим этадилар.

III. РЕСПУБЛИКА КОРХОНАЛАРИГА ПАХТА ТОЛАСИНИ РЕАЛИЗАЦИЯ ҚИЛИШДА «ПАХТАСАНОАТ» ХАБ ТОМОНИДАН ҲИСОВВАРАҚ-ФАКТУРАЛАРДА ҚЎШИЛГАН ҚИЙМАТ СОЛИҒИ СУММАЛАРИНИ АКС ЭТТИРИШ ТАРТИБИ

6. Пахта толасини республика корхоналарига реализация қилишда «Пахтасаноат» ХАБ қўшилган қиймат солиғини қўшилган қиймат солиғи суммасини ўз ичига олувчи воситачилик ҳақидан келиб чиққан ҳолда ҳисоблаб чиқаради.

7. Пахта толасини ЎзРТХБ орқали ва тўғридан-тўғри шартномалари бўйича республика корхоналарига реализация қилишда, шунингдек пахта толасини ТИАИСВ компаниялари орқали республика корхоналарига реализация қилишда «Пахтасаноат» ХАБ томонидан ёзиб бериладиган ҳисовварақ-фактураларни тўлдириш шакллари ва мисоллари мазкур Низомнинг 2 ва 2а-иловаларида келтирилган.

«Пахтасаноат» ХАБ ёзиб берилётган ҳисовварақ-фактурада пахта толаси қийматини ва қўшилган қиймат солиғи суммаларини тегишинча ажратиб кўрсатган ҳолда воситачилик ҳақи суммасини алоҳида сатрларда ажратиб кўрсатади.

Бунда, ҳисовварақ-фактуралар мазкур Низомга мувофиқ қатъий амал қилган ҳолда маълумотларни ўз ичига олиши керак.

8. ТИАИСВ компаниялари пахта толасини республика корхоналарига реализация қилишда ҳисовварақ-фактурада «Пахтасаноат» ХАБ ҳисовварақ-фактураларида кўрсатилган қўшилган қиймат солиғи суммаларини, шунингдек компаниянинг воситачилик ҳақидаги қўшилган қиймат солиғи суммасини ажратиб кўрсатадилар.

Пахта толасини республика корхоналарига реализация қилишда ТИАИСВ компаниялари томонидан ҳисовварақ-фактураларни тўлдириш шакли ва мисоли мазкур Низомнинг 2б-иловасида келтирилган.

9. ТИАИСВ компаниялари томонидан ёзиладиган ҳисовварақ-фактурада ажратиб ёзилган қўшилган қиймат солиғи суммаси Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 218-моддасида назарда тутилган тартибда республика корхоналари томонидан ҳисобга олинади.

IV. ПАХТА ТОЛАСИНИ ЭКСПОРТГА РЕАЛИЗАЦИЯ ҚИЛИШДА «ПАХТАСАНОАТ» ХАБ ТОМОНИДАН ҲИСОВВАРАҚ-ФАКТУРАЛАРДА ҚЎШИЛГАН ҚИЙМАТ СОЛИҒИ СУММАСИНИ АКС ЭТТИРИШ ТАРТИБИ

10. «Пахтасаноат» ХАБ томонидан пахта толасини экспортга реализация қилишда қўшилган қиймат солиғини ҳисоблаб чиқариш қўшилган қиймат солиғи суммасини ўз ичига олувчи ўзининг воситачилик ҳақи суммасидан келиб чиққан ҳолда амалга оширилади.

11. Пахта толасини экспортга ТИАИСВ компаниялари орқали реализация қилишда «Пахтасаноат» ХАБ томонидан ҳисовварақ-фактураларни тўлдириш шакли ва мисоли мазкур Низомнинг 3-иловасида келтирилган.

12. «Пахтасаноат» ХАБ томонидан ЎзРТХБ ва ТИАИСВ компаниялари орқали экспортга реализация қилинган пахта толаси ҳажмига белгиланган тартибда жаҳон нархларида қўшилган қиймат солиғисиз иввойс ёзиб берилади.

V. ПАХТА ТОЗАЛАШ ЗАВОДЛАРИ ТОМОНИДАН ҚЎШИЛГАН ҚИЙМАТ СОЛИҒИ ҲИСОВ-КИТОБИНИ ТУЗИШНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

13. Пахта тозалаш заводлари Ҳисовга олинладиган қўшилган қиймат солиғи суммаси ҳисов-китобида (Қўшилган қиймат солиғи бўйича солиқ ҳисоботи шакллари 2-иловаси) (2008 йил 21 январь, рўйхат рақами 1760 — Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 йил, 3-4-сон, 15-модда):

4-устуннинг 01031 ва 01033-сатрларини, шунингдек 3-устуннинг 01034-сатрини тўлдирмайдилар;

5-устуннинг 05031-сатрида 5-устуннинг 0503-сатридаги қийматини тақдорлайдилар.

Пахта толаси ва линтни экспортга ва республика корхоналарига реализация қилишда қўшилган қиймат солиғини ҳисобварақ-фактураларда акс эттириш тартиби тўғрисидаги низомга
1-ИЛОВА

ПАХТА ТОЛАСИНИ КЕЙИНЧАЛИК РЕСПУБЛИКА КОРХОНАЛАРИГА РЕАЛИЗАЦИЯ ҚИЛИШ УЧУН «ПАХТАСАНОАТ» ХУДУДИЙ АКЦИЯДОРЛИК БИРЛАШМАЛАРИГА РЕАЛИЗАЦИЯ ҚИЛИШДА ПАХТА ТОЗАЛАШ ЗАВОДЛАРИ ТОМОНИДАН ҲИСОБВАРАҚ-ФАКТУРАНИ ТЎЛДИРИШ МИСОЛИ

2009 йил 4 январдаги 10/1-010-сонли Нарядга
2009 йил 5 январдаги 104/007-сонли
ҲИСОБВАРАҚ-ФАКТУРА

Етказиб берувчи: ОАЖ «Қорақўл»
Манзил: 106000, Қорақўл ш., Нурафшон кўч., 1
Телефон: 56-57-321
Ҳисоб-китоб ҳисобварақ рақами:
Банк:
Банк коди:
СТИР:
ХХТУТ:

Сотиб олувчи: «Бухоро Пахтасаноат» ҲАБ
Манзил: 105004, Бухоро ш., Ғиждувони кўч., 16
Телефон: 223-00-64
Ҳисоб-китоб ҳисобварақ рақами:
Банк:
Банк коди:
СТИР:
ХХТУТ:

Товарлар номи	Ўлчов бирлиги	Миқдори	Ўлчов бирлиги нархи (сўм)	Етказиб бериш қиймати ҚҚСсиз	ҚҚС		Етказиб беришнинг ҚҚС ҳисобга олинган ҳолда қиймати (сўм)
					ставкаси	суммаси	
1	2	3	4	5	6	7	8
1. Пахта толаси, 5 тур, биринчи нав, ўрта синф	кг	500,0	1 605, 058	802 530	20	160 506	963 036
2. Пахта толаси, 5 тур, иккинчи нав, олий синф	кг	1500,0	1 637, 158	2 455 737	20	491 147	2 946 884
ЖАМИ		2000,0		3 258 267		651 653	3 909 920

Жами тўлашга: уч миллион тўққиз юз тўққиз минг тўққиз юз йигирма сўм.

Раҳбар _____
Бош бухгалтер _____

Олдим _____
(сотиб олувчи ёки вколатли вақтовчи имсоқи)

М.Ў.

Товарни бердим _____
(етказиб беришнинг маъруза шахси имсоқи)

20__ йил «__» _____ даги
_____-сонли ишончнома бўйича
(товар олувчининг Ф.И.Ш.)

Пахта толаси ва линтни экспортга ва республика корхоналарига реализация қилишда қўшилган қиймат солиғини ҳисобварақ-фактураларда акс эттириш тартиби тўғрисидаги низомга
1а-ИЛОВА

ПАХТА ТОЛАСИНИ КЕЙИНЧАЛИК ЭКСПОРТГА РЕАЛИЗАЦИЯ ҚИЛИШ УЧУН «ПАХТАСАНОАТ» ХУДУДИЙ АКЦИЯДОРЛИК БИРЛАШМАЛАРИГА РЕАЛИЗАЦИЯ ҚИЛИШДА ПАХТА ТОЗАЛАШ ЗАВОДЛАРИ ТОМОНИДАН ҲИСОБВАРАҚ-ФАКТУРАНИ ТЎЛДИРИШ МИСОЛИ

2009 йил 4 январдаги 10/1-010-сонли Нарядга
2009 йил 5 январдаги 104/007-сонли
ҲИСОБВАРАҚ-ФАКТУРА

Етказиб берувчи: ОАЖ «Қорақўл»
Манзил: 106000, Қорақўл ш., Нурафшон кўч., 1
Телефон: 56-57-321
Ҳисоб-китоб ҳисобварақ рақами:
Банк:
Банк коди:
СТИР:
ХХТУТ:

Сотиб олувчи: «Бухоро Пахтасаноат» ҲАБ
Манзил: 105004, Бухоро ш., Ғиждувони кўч., 16
Телефон: 223-00-64
Ҳисоб-китоб ҳисобварақ рақами:
Банк:
Банк коди:
СТИР:
ХХТУТ:

Товарлар номи	Ўлчов бирлиги	Миқдори	Ўлчов бирлиги нархи (сўм)	Етказиб бериш қиймати ҚҚСсиз	ҚҚС		Етказиб беришнинг ҚҚС ҳисобга олинган ҳолда қиймати (сўм)
					ставкаси	суммаси	
1	2	3	4	5	6	7	8
1. Пахта толаси, 5 тур, биринчи нав, ўрта синф	кг	500,0	1 605, 058	802 530	0	0	802 530
2. Пахта толаси, 5 тур, иккинчи нав, олий синф	кг	1500,0	1 637, 158	2 455 737	0	0	2 455 737
ЖАМИ		2000,0		3 258 267			3 258 267

Жами тўлашга: уч миллион икки юз эллик саккиз минг икки юз олтмиш етти сўм.

Раҳбар _____
Бош бухгалтер _____

Олдим _____
(сотиб олувчи ёки экспортчи вақсининг илмози)

М.Ў.

20__ йил «__» _____ даги
_____-сонли ишоннома бўйича

Товарни бердим _____
(сотиб берувчининг махсус тизим илмози)

(товар олувчининг Ф.И.Ш.)

Пахта толаси ва линтни экспортга ва республика корхоналарига реализация қилишда қўшилган қиймат солиғини ҳисобварақ-фактураларда акс эттириш тартиби тўғрисидаги низомга
2-ИЛОВА

**ПАХТА ТОЛАСИНИ ЎЗРТХБ ОРҚАЛИ ВА ТЎҒРИДАН-ТЎҒРИ ШАРТНОМАЛАР БЎЙИЧА
РЕСПУБЛИКА КОРХОНАЛАРИГА РЕАЛИЗАЦИЯ ҚИЛИШДА «ПАХТАСАНОАТ» ҲАБ
ТОМОНИДАН ҲИСОБВАРАҚ-ФАКТУРАНИ ТЎЛДИРИШ
МИСОЛИ**

**2008 йил 30 июндаги 804131-сонли ШАРТНОМАГА
2008 йил 7 июлдаги 1106/301-214-сонли
ҲИСОБВАРАҚ-ФАКТУРА**

Юклар жўнатиш санаси 07.07.08

Курс 1310.91

Етказиб берувчи: Тошпахтасаноат ҲАБ

Манзил: Тошкент ш., У. Носир кўч., 8

Телефон: 253-05-71

Ҳ-к ҳисобварақ рақами: 20210000200132912001

Валюта ҳ-к ҳисобварақ рақами: 20210840300132912001

Тош. вил. Пахта Банк бошқ.

МФО 00454

СТИР 200625964

ХХТУТ 19900

Сотиб олувчи: ТАШ.БУМ, Ф-КА ГПО «ДАВЛАТ БЕЛГИСИ»

Манзил: 111104 Тош.вил.Тош.р/н Ю-Абад

Телефон: 124-94-77, 124-52-80

Ҳ-к ҳисобварақ рақами: 21596000800447895001

Валюта ҳ-к ҳисобварақ рақами:

Тошкент ш. МБ ҲҚМ ББ

МФО 00014

СТИР 201689900

ХХТУТ 15310

Товарлар (кишлар, хизматлар) номи	Ўлчов бирлиги	Миқдори		I тонна учун нарх АҚШ долларларида	I тонна учун ҚҚСсиз улгуржи прејскурант (ўртача) нархи	Маҳсулот қиймати	ҚҚС		ҚҚС ҳисобга олинган ҳолда маҳсулот қиймати	Етказиб бериш қиймати
		нетто	кондиц. оғирлиги				ставкаси	суммаси		
Пахта толаси қиймати АҚШ долл.	кг	48666,90		1579,55						76871,80
шу жумладан миллий валютада улгуржи-прејскурант нархда	кг		50289		1451634,17	73001230,61	20%	14600246,12	87601476,73	87601476,73
Ташиш харажатлари						545869,68	20%	109173,94	655043,62	655043,62
«Сифат» харажатлари						415845,83	20%	83169,17	499015,00	499015,00
Қабул қилиш						202026,72	20%	40405,34	242432,06	242432,06
Юклар жўнатиш						295597,06	20%	59119,41	354716,47	354716,47
Сақлаш										
Воситачилик ҳақи						365006,16	20%	73001,23	438007,39	438007,39
Жаҳон ва улгуржи-прејскурант қиймат орасидаги фарқ										10981320,07
Жами:	АҚШ долл.									76871,80
Жами:	сўм									100772011,34
Жами тўлашга:	Етмиш олти минг саккиз юз етмиш бир доллар 80 цент Юз миллион етти юз етмиш икки минг ўн бир сўм 34 тийин									

Раҳбар _____
Бош бухгалтер _____

Товарни олдим _____
(сотиб олувчи ёки экспортчи вақсининг илмози)

М.Ў.

20__ йил «__» _____ даги
_____-сонли ишоннома бўйича

Товарни бердим _____
(сотиб берувчининг махсус тизим илмози)

(товар олувчининг Ф.И.Ш.)

ПАХТА ТОЛАСИНИ ТИАИСВ КОМПАНИЯЛАРИ ОРҚАЛИ РЕСПУБЛИКА КОРХОНАЛАРИГА РЕАЛИЗАЦИЯ ҚИЛИШДА «ПАХТАСАНОАТ» ҲАБ ТОМОНИДАН ҲИСОБВАРАҚ-ФАКТУРАНИ ТЎЛДИРИШ МИСОЛИ

**2008 йил 30 июндаги 804131-сонли шартномага
2008 йил 7 июлдаги 1106/301-214-сонли
ҲИСОБВАРАҚ-ФАКТУРА**

Юклар жўнатиш санаси 07.07.08

Курс 1310.91

Етказиб берувчи: Тошпахтасаноат ҲАБ

Манзил: Тошкент ш., У. Носир кўч., 8

Телефон: 253-05-71

Ҳ-к ҳисобварақ рақами: 20210000200132912001

Валюта ҳ-к ҳисобварақ рақами: 20210840300132912001

Тош. вил. Пахта Банк бошқ.

МФО 00454

СТИР 200625964

ХХТУТ 19900

Етказиб берувчи: Ўзмарказимпекс

Манзил: 100077, Буюк Ипак Йўли-75

Телефон: 68-72-41

Ҳ-к ҳисобварақ рақами: 20210000100600099001

Валюта ҳ-к ҳисобварақ рақами:

ЎзР ТИФ МБ Мирзо Улугбек фил.

МФО 00895

СТИР 201281871

ХХТУТ 72100

Товарлар (ишлар, хизматлар) номи	Ўлчов бирлиги	Миқдори		I тонна учун нарх АҚШ долларлари	I тонна учун ҚҚСсиз улгуржи прејскурант (ўртача) нархи	Маҳсулот қиймати	ҚҚС		ҚҚС ҳисобга олинган ҳолда маҳсулот қиймати	Етказиб бериш қиймати
		нетто	кондиц. огирлиги				ставка-си	суммаси		
Пахта толаси қиймати АҚШ долл.	кг	48666,90		1579,55						76871,80
шу жумладан миллий валютада улгуржи-прејскурант нархда	кг		50289		1451634,17	73001230,61	20%	14600246,12	87601476,73	87601476,73
Ташиш харажатлари						545869,68	20%	109173,94	655043,62	655043,62
«Сифат» харажатлари						415845,83	20%	83169,17	499015,00	499015,00
Қабул қилиш						202026,72	20%	40405,34	242432,06	242432,06
Юклар жўнатиш						295597,06	20%	59119,41	354716,47	354716,47
Сақлаш										
Воситачилик ҳақи						365006,16	20%	73001,23	438007,39	438007,39
Жаҳон ва улгуржи-прејскурант қиймат орасидаги фарқ										10981320,07
Жами:	АҚШ долл.									76871,80
Жами:	сўм									100772011,34
Жами тўлашга:	Етмиш олти минг саккиз юз етмиш бир доллар 80 цент Юз миллион етти юз етмиш икки минг ўн бир сўм 34 тийин									

Раҳбар _____
Бош бухгалтер _____

М.Ў.

Товарни бердим _____
(етказиб берувчининг маърузи шакли кимоси)

Товарни олдим _____
(сотиб олувчи ёки етказиб берувчининг кимоси)

20 __ йил «__» _____ даги
_____-сонли ишончнома бўйича

(товар олувчининг Ф.И.Ш.)

Пахта толаси ва линтни экспортга ва республика корхоналарига реализация қилишда қўшилган қиймат солигини ҳисобварақ-фактураларда акс эттириш тартиби тўғрисидаги низомга
26-ИЛОВА

ПАХТА ТОЛАСИНИ РЕСПУБЛИКА КОРХОНАЛАРИГА РЕАЛИЗАЦИЯ ҚИЛИШДА ТИАИСВ КОМПАНИЯЛАРИ ТОМОНИДАН ҲИСОБВАРАҚ-ФАКТУРАНИ ТЎЛДИРИШ МИСОЛИ

**20 __ йил «__» _____ даги _____-сонли ТОВАР ЮКЛАБ ЖЎНАТИШ ҲУЖЖАТИГА
20 __ йил «__» _____ даги _____-сонли
ҲИСОБВАРАҚ-ФАКТУРА**

Етказиб берувчи: Ўзмарказимпекс

Манзил:

Телефон:

Ҳисоб-китоб ҳисобварақ рақами:

МФО

шаҳар (туман) _____

Етказиб берувчининг идентификация рақами

(СТИР)

ХХТУТ бўйича код _____

Сотиб олувчи: республика корхонаси

Манзил:

Телефон:

Ҳисоб-китоб ҳисобварақ рақами:

МФО

шаҳар (туман) _____

Сотиб олувчининг идентификация рақами

(СТИР)

ХХТУТ бўйича код _____

1 АҚШ долл. = 1150 сўм.

Товарлар (ишлар, хизматлар) номи	Ўлчов бирлиги	Миқдори	Ўлчов бирлиги нархи	Етказиб бериш қиймати ҚҚСсиз	ҚҚС		Етказиб беришнинг ҚҚС ҳисобга олинган ҳолда қиймати (сўм)
					ставкаси	суммаси	
1	2	3	4	5	6	7	8
1. Пахта толаси, 5 тур, 1 нав, ўрта синф	тонна	500,0	1328,23 АҚШ долл.	x	x	x	664 115,00 АҚШ долл.
«Пахтасаноат» ҲАБнинг 20__ й. «__»__ даги __-сонли ҳисобварақ-фактураси асосида нетто оғирлик бўйича қайта ҳисоб-китобдаги прејскурант нарх бўйича							
2. Пахта толаси, 5 тур, 1 нав, ўрта синф	тонна	1	1 тоннага 956 583,33 сўм	1 тоннага 956 583,33 сўм	20%	1 тоннага 191 316,67 сўм	1 тоннага ҚҚС ҳисобга олинган ҳолда прејскурант нархи 1 147 900 сўм
2.1. Пахта толаси, 5 тур, 1 нав, ўрта синф	тонна	500,0	1 тоннага ҚҚС ҳисобга олинган ҳолда прејскурант нархи 1 147 900 сўм	478 291 670 сўм	20%	95 658 330 сўм	573 950 000 сўм
2.2. «Пахтасаноат» ҲАБ мукофоти	%		Пахта толасини прејскурант нарх бўйича етказиб бериш қийматидан 1,5%	7 174 380 сўм	20%	1 434 870 сўм	8 609 250 сўм
3. Ўзмарказимпекс мукофот ҳақи	%		Чел эл валютасидаги қийматидан 0,5%	3 182 220 сўм	20%	636 440 сўм	3 818,660 сўм = 664 115,00 АҚШ долл. x 0,5% x АҚШ долл. курс
Жами тўлашга				Олти юз олтимиш тўрт минг бир юз ўн беш АҚШ долл.			

Раҳбар _____
Бош бухгалтер _____
М. Ҳ.

Товарни бердим _____
(товар берилганини исботловчи маълумот берилган)

Олдим _____
(товар олганини исботловчи маълумот берилган)

20__ йил «__»__ даги
__-сонли ишончнома бўйича
(товар олувчининг Ф.И.Ш.)

Пахта толаси ва линтни экспортга ва республика корхоналарига реализация қилишда қўшилган қиймат солигини ҳисобварақ-фактураларда акс эттириш тартиби тўғрисидаги низомга
3-ИЛОВА

**ПАХТА ТОЛАСИНИ ТИАИСВ КОМПАНИЯЛАРИ ОРҚАЛИ ЭКСПОРТГА РЕАЛИЗАЦИЯ ҚИЛИШДА
«ПАХТАСАНОАТ» ҲАБ ТОМОНИДАН ҲИСОБВАРАҚ-ФАКТУРАНИ ТЎЛДИРИШ
МИСОЛИ**

**2008 йил 30 июндаги 804131-сонли ХАБАРНОМАГА
2008 йил 7 июлдаги 1106/301-214-сонли
ҲИСОБВАРАҚ-ФАКТУРА**

Юклар жўнатиш санаси 07.07.08

Курс 1310.91

Етказиб берувчи: Тошпахтасаноат ҲАБ

Манзил: Тошкент ш., У. Носир кўч., 8

Телефон: 253-05-71

Ҳ-к ҳисобварақ рақами: 20210000200132912001

Валюта ҳ-к ҳисобварақ рақами: 20210840300132912001

Тош. вил. Пахта Банк бошқ.

МФО 00454

СТИР 200625964

ХХТУТ 19900

Етказиб берувчи: Ўзмарказимпекс

Манзил: 100077, Буюк Ипак Йўли-75

Телефон: 68-72-41

Ҳ-к ҳисобварақ рақами: 20210000100600099001

Валюта ҳ-к ҳисобварақ рақами:

ЎзР ТИФ МБ Мирзо Улуғбек фил.

МФО 00895

СТИР 201281871

ХХТУТ 72100

Товарлар (ишлар, хизматлар) номи	Ўлчов бирлиги	Миқдори		1 тонна учун нарх АҚШ долларларида	1 тонна учун ҚҚСсиз улгуржи прејскурант (ўртача) нархи	Маҳсулот қиймати	ҚҚС		ҚҚС ҳисобга олинган ҳолда маҳсулот қиймати	Етказиб бериш қиймати
		нетто	кондиц. оғирлиги				ставкаси	суммаси		
Пахта толаси қиймати АҚШ долл.	кг	48666,90		1579,55						76871,80
шу жумладан миллий валютада улгуржи-прејскурант нархда	кг		50289		1451634,17	73001230,61	0	0,00	73001230,61	73001230,61
Ташиш харajatлари						545869,68	20%	109173,94	655043,62	655043,62
«Сифат» харajatлари										
Қабул қилиш						202026,72	20%	40405,34	242432,06	242432,06
Юклар жўнатиш						295597,06	20%	59119,41	354716,47	354716,47
Саклаш										
Воситачилик ҳақи						365006,16	20%	73001,23	438007,39	438007,39
Жаҳон ва улгуржи-прејскурант қиймат орасидаги фарқ										499015,00
Жами:	АҚШ долл.									76871,80
Жами:	сўм									75190445,15
Жами тўлашга:		Етмиш олти минг саккиз юз етмиш бир доллар 80 цент								

Раҳбар _____
Бош бухгалтер _____

М.Ў.

Товарни бердим _____
(етказиб берилганлик масъулиятини асос)

Товарни олдим _____
(товар олганини асос қилиш)

20__ йил «__» _____ даги
_____ -сонли ишончнома бўйича
(товар олувчиси: Ф.И.Ш.)

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИҚТИСОДИЁТ ВАЗИРЛИГИ,
МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ, ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ АЛОҚАЛАР, ИНВЕСТИЦИЯЛАР ВА САВДО ВАЗИРЛИГИ,
ДАВЛАТ БОЖХОНА КЎМИТАСИНING

ҚАРОРИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХУДУДИГА ОЛИБ КИРИЛАДИГАН ИСТЕЪМОЛ ТОВАРЛАРИНИНГ РЎЙХАТИГА ЎЗГАРТИРИШ КИРИТИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2009 йил
27 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1853-1.

(«Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами», 2009 йил, 27-сон, 318-модда)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Пластик карточкалар асосида нақд пулсиз ҳисоб-китоб тизимини янада ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги 2006 йил 3 августдаги ПҚ-433-сонли қарорини (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2006 йил, 31-32-сон, 309-модда) ижро этиш юзасидан Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги ва Давлат божхона кўмитаси қарор қиладилар:

1. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги ва Давлат божхона кўмитасининг 2008 йил 1 августдаги 56, 73, ЭГ-01/19-3822, 01-02/8-46-

сонли қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси худудига олиб кириладиган истеъмол товарлари рўйхатининг (рўйхат рақами 1853, 2008 йил 9 сентябрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 йил, 37-38-сон, 384-модда) «ТИФ ТН коди 2007 йил таҳрири» графасидаги «8523 (8523 21 000 0 ва дастурий таъминотдан ташқари)» кодли сатри «8523 29 — 8523 52 900 1 (дастурий таъминотдан ташқари), 8523 52 900 9 (банк пластик карточкаларини ишлаб чиқаришда ишлатиладиган чип-модуллардан ташқари), 8523 59 — 8523 80 (дастурий таъминотдан ташқари)» кодли сатр билан алмаштирилсин.

2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатига олинган кундан бошлаб ўн кун ўтгандан кейин кучга киради.

Иқтисодиёт вазири
Б.ХЎЖАЕВ.
76-сон

Молия вазири
Р.АЗИМОВ.
65-сон

Ташқи иқтисодий алоқалар,
инвестициялар ва савдо вазири
Э.ҒАНИЕВ.
ЭГ-01/10-3881-сон

Давлат божхона
кўмитаси раиси
С.НОСИРОВ.
01-02/8-13-сон

Тошкент ш., 2009 йил 22 июнь.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОНОПОЛИЯДАН ЧИҚАРИШ,
РАҚОБАТ ВА ТАДБИРКОРЛИКНИ ҚўЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ДАВЛАТ КЎМИТАСИ,
МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ, ИҚТИСОДИЁТ ВАЗИРЛИГИ, МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИНИНГ

ҚАРОРИ

ҚОҒОЗ ЧИҚИНДИЛАРИНИ ТЎПЛАШ, ТАЙЁРЛАШ ВА ҚАЙТА ИШЛАШ УЧУН ЕТКАЗИБ БЕРИШ ТАРТИБИ ТЎҒРИСИДАГИ НИЗОМНИ ТАСДИҚЛАШ ҲАҚИДА*

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2009 йил
1 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1979.

(«Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами», 2009 йил, 27-сон, 321-модда)

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 16 мартдаги 70-сонли «Иккиламчи қоғоз чиқиндиларини тўплаш, тайёрлаш ва қайта ишлаш учун етказиб бериш тизимини тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорининг (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳуж-

жатлари тўплами, 2009 йил, 12-сон, 131-модда) 5-бандига мувофиқ қарор қиламиз:

1. Қоғоз чиқиндиларини тўплаш, тайёрлаш ва қайта ишлаш учун етказиб бериш тартиби тўғрисида низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кун ўтгандан кейин кучга киради.

*2009 йил 11 июлдан кучга киради.

**Монополиядан чиқариш,
рақобат ва тадбиркорликни
қўллаб-қувватлаш давлат
қўмитаси раиси в.б.
Б.УЛАШОВ.
11-сон**

**Молия вазири
Р.АЗИМОВ.
52-сон**

**Иқтисодийёт вазири
Б.ХҲЖАЕВ.
52-4-4/46-сон**

**Марказий банк раиси
Ф.МУЛЛАЖОНОВ.
11/2-сон**

Тошкент ш., 2009 йил 28 май.

Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси, Молия вазирлиги, Иқтисодийёт вазирлиги, Марказий банк Бошқаруви
2009 йил 28 майдаги 11, 52, 52-4-4/46,
11/2-сонли қарорига
ИЛОВА

ҚОҒОЗ ЧИҚИНДИЛАРИНИ ТЎПЛАШ, ТАЙЁРЛАШ ВА ҚАЙТА ИШЛАШ УЧУН ЕТКАЗИБ БЕРИШ ТАРТИБИ ТЎҒРИСИДА НИЗОМ

Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 16 мартдаги 70-сонли «Иккиламчи қоғоз чиқиндиларини тўплаш, тайёрлаш ва қайта ишлаш учун етказиб бериш тизимини тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорининг (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 йил, 12-сон, 131-модда) 5-бандига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси ҳудудида кейинчалик уларни қайта ишлаш учун иккиламчи қоғоз чиқиндиларини тўплаш, тайёрлаш ва ташкилотларга етказиб бериш тартибини белгилайди.

I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1. Мазкур Низомда куйидаги тушунчалардан фойдаланилади:

макулатура — қоғоз ишлаб чиқариш чиқиндилари, хизмат муддати тугаган қоғоз ва картондан бўлган буюмлар, эски газеталар, журналлар, китоблар, ҳисобдан чиқарилган архив ҳужжатлари, шунингдек эскирган ҳужжатлар; тайёрловчи ташкилотлар — макулатурани тайёрлаш билан шуғулланувчи, қабул қилиш пунктлари ва кўчиб юрвчи тайёрловчилар тармоғига эга бўлган юридик шахслар;

қайта ишловчи ташкилотлар — макулатурани қайта ишлаб чиқариш қувватига эга бўлган ва макулатурадан фойдаланиб маҳсулот ишлаб чиқарувчи ташкилотлар;

қабул қилиш пункти — юридик ва жисмоний шахслардан макулатура қабул қилиш объекти;

макулатура топширувчи — макулатурани топширувчи юридик ва жисмоний шахслар.

II. МАКУЛАТУРА ТОПШИРИШ ВА ҚАБУЛ ҚИЛИШНИ ТАШКИЛЛАШТИРИШ ТАРТИБИ

2. Давлат ва ҳўжалик бошқаруви органлари, уларнинг ҳудудий бўлинмалари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари Ўзбекистон Республикаси ҳудудида қоғоз чиқиндиларини тўплаш, тайёрлаш ва қайта ишлаш учун етказиб бериш масалалари бўйича Республика комиссияси томонидан белгиланган прогноз кўрсаткичлардан келиб чиққан ҳолда ўзларининг таркибига кирувчи ташкилотларга макулатура топшириш бўйича прогноз ҳажмларни белгилайди.

3. Жорий иш фаолияти давомида ҳосил бўладиган макулатурага эга бўлган юридик шахслар ёнгина қарши хавфсизликни таъминлаган ҳолда уни нам етмайдиган жойда тўплашни, макулатурани турига қараб ажратишни ва унинг ташилишини таъминлаб, алоҳида боғламларда ёки бошқача усулда жойлашни амалга оширадилар.

4. Вақтинчалик сақлаш муддати белгиланган ҳужжатларни юридик шахснинг тегишли буйруғи асосида тузил-

ган эксперт комиссиясининг тегишли рухсатсиз макулатурага топширишга йўл қўйилмайди.

5. Юридик шахсларнинг архив ҳужжатлари белгиланган (вақтинча) сақлаш муддати тугагандан ва тегишли давлат архив муассасалари томонидан белгиланган тартибда экспертизадан ўтказилгандан сўнг, шунингдек улар томонидан доимий сақлаш рўйхати тасдиқланган ва ушбу хронология даври учун шахсий таркиб рўйхати келишилгандан сўнг макулатура сифатида қайта ишлаб чиқаришга топширилиши мумкин.

6. Қайта ташкил этилаётган ёки тугатилаётган ташкилотларнинг, шунингдек белгиланган тартибда банкрот деб топилган ташкилотларнинг ҳужжатлари илмий-техник ишловдан ўтгандан сўнг ва давлат архив муассасасининг тегишли қарори билан макулатурага топширилади.

7. Жисмоний шахслар ўзларининг ҳаётий фаолиятлари давомида ҳосил бўладиган макулатурани топширадилар. Жисмоний шахслардан иш юритув ҳужжатлари қабул қилинмайди.

8. Макулатура ташкилий-ҳуқуқий шакли ва мансублигидан қатъи назар, тайёрловчи, қайта ишловчи ташкилотлар ва қабул қилиш пунктлари томонидан қабул қилиниши мумкин.

9. Қабул қилиш пунктлари турар-жой биноларидан ташқарида жойлашиши ҳамда ёнгина қарши хавфсизлик талабларига ва санитария меъёрларига жавоб бериши керак.

10. Қабул қилиш пунктларида кўринадиган жойга иш вақти ва қабул қилинадиган макулатура нархлари тўғрисидаги маълумот осиб қўйилиши шарт.

11. Макулатурани қабул қилиш-топшириш, етказиб беришнинг энг кам миқдори, макулатурани қабул қилиш пунктига етказиб бериш шартлари шартнома билан белгиланади.

12. Топширилаётган макулатураниннг сифати ГОСТ 10700-97 талабларига жавоб бериши лозим.

III. ТОПШИРИЛАДИГАН МАКУЛАТУРА УЧУН ҲИСОБ-КИТОБ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

13. Ҳисоб-китоблар макулатура топширувчи: юридик шахслар билан — нақд пулсиз; жисмоний шахслар билан — нақд пулда амалга оширилади.

14. Қабул қилинаётган макулатура учун ҳисоб-китоб қилишда макулатура топширишни рағбатлантирувчи ва тайёрловчи ва қайта ишловчи ташкилотлар, шунингдек ушбу тузилмаларга кирмайдиган қабул қилиш пунктларини тузган юридик ва/ёки жисмоний шахслар томонидан белгиланадиган эркин (шартномавий) нархлар қўлланилади.

15. «Sanoatqalinqog'ozsavdo» ХИ ОАЖ, «Ўзбек қоғози» ОАЖ таркибига кирмайдиган қабул қилиш пунктлари ёки аҳолидан макулатура қабул қилувчи, тайёрловчи ташкилотлар макулатура етказиб бериш бўйича қайта ишловчи ташкилотлар билан шартномавий (эркин) нархларда шартнома тузадилар.

16. Макулатура топшириш учун юридик шахслар бевосита қайта ишловчи ташкилотлар бўлган «Sanoatqalinqog'ozsavdo» ХИ ОАЖ, «Ўзбек қоғози» ОАЖ билан ёки уларнинг жойлардаги вакили иштирокида шартнома тузадилар. Бунда, макулатура бевосита қайта ишловчи ташкилотга, шунингдек унинг қабул қилиш пунктларига топширилиши мумкин.

17. Юридик шахслардан макулатура қабул қилишда уч нусхада далолатнома тузилади, унинг биттаси кейинчалик ҳисобварақ-фактурани расмийлаштириш учун макулатура топширувчига берилади.

IV. НАҚД ПУЛ ВОСИТАЛАРИНИНГ САРФЛАНИШИ УСТИДАН НАЗОРАТ

18. Топширилаётган макулатура учун ҳисоб-китобларни амалга ошириш учун зарур бўладиган нақд пул маблағларини олиш мақсадида тайёрловчи ва қайта ишловчи ташкилотлар хизмат кўрсатувчи тижорат банкига ҳисобланган ҳажмларда макулатура қабул қилишни таъминлайдиган суммага пул чекини топширадилар.

19. Тайёрловчи ва қайта ишловчи ташкилотлар томонидан бўйсунувчи қабул қилиш пунктларига пул маблағларини ажратиш харажат касса ордери ёки ташкилот раҳбари ва бош бухгалтери томонидан имзоланган тўлов қай-

**Давлат солиқ
қўмитаси раиси
Б.ПАРПИЕВ.**
Тошкент ш.,
2009 йил 21 май.

**«Ўзархив» агентлиги
Бош директори
А.АБДУЛЛАЕВ.**
Тошкент ш.,
2009 йил 22 май.

дномаси бўйича амалга оширилади.

20. Тайёрловчи ва қайта ишловчи ташкилотларнинг таркибий бўлинмалари ҳисобланган қабул қилиш пунктлари уларга ҳар ойда харажатлар ва пул маблағларига бўлган эҳтиёж тўғрисида ҳисобот тақдим этадилар.

21. Нақд пулдан кўрсатилмаган мақсадлар учун фойдаланишга йўл қўйилмайди.

22. Пул маблағларининг келиб тушиши, уларни қабул қилиш пунктларига ва кўчма тайёрловчиларга тарқатиш, меъёрларни тўғри қўллаш, макулатурани ва нақд пул маблағларининг сақланиши, нақд пул ва макулатура ҳаракати билан боғлиқ бўлган барча операциялар бўйича бирламчи ҳужжатларни тўғри ва ўз вақтида расмийлаштириш учун жавобгарлик тайёрловчи ва қайта ишловчи ташкилотнинг раҳбари ва бош бухгалтерига юклатилади.

23. Нақд пулларни сарфланиши, уларни қабул қилиш пунктларига ажратилиши, пул воситаларини ҳаракатланиши билан боғлиқ бўлган барча операцияларни тўғри ва ўз вақтида расмийлаштирилиши устидан назорат тижорат банклари томонидан амалга оширилади.

24. Нақд пул воситаларидан мақсадсиз фойдаланиш ҳолатлари аниқланганда, айбдор шахслар қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгар бўладилар.

V. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР

25. Мазкур Низом талабларини бузилишига айбдор шахслар қонунчиликка мувофиқ жавобгар бўладилар.

26. Мазкур Низом Давлат солиқ қўмитаси, «Ўзархив» агентлиги, «Sanoatqalinqog'ozsavdo» ХИ ОАЖ ва «Ўзбек қоғози» ОАЖ билан келишилган.

**«Sanoatqalinqog'ozsavdo» ХИ ОАЖ
Бошқаруви раиси
Ш.ОСМАНОВ.**
Тошкент ш.,
2009 йил 25 май.

**«Ўзбек қоғози» ОАЖ
Бошқаруви раиси
М.УМАРОВ.**
Тошкент ш.,
2009 йил 26 май.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ ВАЗИРЛИКЛАР, ДАВЛАТ ҚЎМИТАЛАРИ ВА ИДОРЛАРИНИНГ НОРМАТИВ-ҲУҚУҚИЙ ҲУЖЖАТЛАРИНИ ДАВЛАТ РЎЙХАТИДАН ЎТКАЗИШ ҲОЛАТИ ТЎҒРИСИДА 2009 ЙИЛ 2 МАЙДАН 22 МАЙГАЧА БЎЛГАН МАЪЛУМОТНИ МАЪЛУМ ҚИЛАДИ

I. ДАВЛАТ РЎЙХАТИДАН ЎТКАЗИЛДИ:

1. «Каноп-жут ишлаб чиқариш корхоналари ходимлари учун меҳнатни муҳофаза қилиш қоидаларини тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирининг 2009 йил 3 апрелдаги 13-1/Б-сонли буйруғи.

2009 йил 6 майда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1951 (2009 йил 16 майдан кучга киради).

2. «Давлат мулки объектларини аукционда ва танлов бўйича хусусийлаштириш тўғрисидаги Вақтинчалик низомни ўз кучини йўқотган деб топиш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкни бошқариш давлат қўмитасининг 2009 йил 29 апрелдаги 01/23-18/10-сонли қарори.

2009 йил 8 майда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 54-2 (2009 йил 18 майдан кучга киради).

3. «Дори воситалари ва тиббиёт буюмларини ишлаб чиқариш учун мўлжалланган импорт қилишда қўшилган қиймат солиғидан озод қилинадиган хом ашёлар рўйхатини тасдиқлаш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий вазирлиги, Молия вазирлиги, Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, Давлат божхона қўмитасининг 2009 йил 6 майдаги 5-3-6/28, 53, ЭГ-01/10-2053, 01-02/8-9 ва Соғлиқни сақлаш вазирлиги-

нинг 2009 йил 20 апрелдаги 7-сонли қарори.

2009 йил 8 майда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1952 (2009 йил 18 майдан кучга киради).

4. «Интеллектуал мулк объектларини баҳолаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкни бошқариш давлат қўмитасининг 2009 йил 22 апрелдаги 01/19-18/08-сонли қарори.

2009 йил 8 майда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1953 (2009 йил 18 майдан кучга киради).

5. «Ўн саккиз ёшга тўлмаган шахслар кўтаришлари ва ташишлари мумкин бўлган оғир юк нормаларининг чегарасини белгилаш тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ва Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2009 йил 21 апрелдаги 17/ҚҚ, 8-сонли қарори.

2009 йил 12 майда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1954 (2009 йил 22 майдан кучга киради).

6. «Қимматли қоғозлар бозори профессионал иштирокчисининг ички назорати тўғрисидаги низомга ўзгартириш киритиш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси ҳузуридаги Қимматли қоғозлар бозори фаолия-

тини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш маркази бош директорининг 2009 йил 24 апрелдаги 2009-25-сонли буйруғи.

2009 йил 12 майда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1899-1 (2009 йил 22 майдан кучга киради).

7. «Хўжалик бошқарув органлари ва корхоналарнинг модернизация ва янги технологиялар жамғармаси тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш қўмитасининг 2009 йил 24 апрелдаги 48, 71, 5-сонли қарори.

2009 йил 12 майда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1955 (2009 йил 22 майдан кучга киради).

8. «Мақтабга таълим муассасаларида болаларнинг ҳаёти ва соғлигини муҳофаза қилишни ташкил этиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2009 йил 21 апрелдаги 17/2, 6/3-сонли қарори.

2009 йил 14 майда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1956 (2009 йил 24 майдан кучга киради).

9. «Божхона юк декларациясини тўлдириш тартиби тўғрисидаги йўриқномага ўзгартиришлар киритиш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг 2009 йил 5 майдаги 01-02/6-12-сонли қарори.

2009 йил 14 майда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 834-19 (2009 йил 24 майдан кучга киради).

10. «Чой ишлаб чиқариш ходимлари учун меҳнатни муҳофаза қилиш қоидаларини тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофа-

за қилиш вазирининг 2009 йил 17 апрелдаги 13-4/Б-сонли буйруғи.

2009 йил 14 майда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1957 (2009 йил 24 майдан кучга киради).

11. «Кимё ишлаб чиқариши ходимлари учун махсус кийим, махсус пойабзал ва бошқа яқка тартибда ҳимояланиш воситаларини бепул беришнинг Намунавий меъёрларини тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирининг 2009 йил 16 апрелдаги 13-3/Б-сонли буйруғи.

2009 йил 14 майда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1958 (2009 йил 24 майдан кучга киради).

12. «Тугатилаётган корхонанинг мол-мулки ва мажбуриятларини инвентарлашни ташкил этиш ва қийматини аниқлаш бўйича йўриқномага ўзгартиришлар киритиш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш, рақобат ва тadbиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитасининг 2009 йил 24 апрелдаги 10-сонли қарори.

2009 йил 18 майда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 887-2 (2009 йил 28 майдан кучга киради).

13. «Марказлаштирилган манбалар ҳисобидан молиялаштириладиган объектлар бўйича қурилиш муддатлари ва шартнома мажбуриятларига риоя этилиши устидан мониторинг юритиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитасининг 2009 йил 23 апрелдаги 1-сонли қарори.

2009 йил 22 майда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1959 (2009 йил 1 июндан кучга киради).

II. ДАВЛАТ РЕЕСТРИДАН ЧИҚАРИЛДИ:

